


ХУТБА ЧОФИДА ОВОЗ



Расулulloҳнинг овозлари

Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, юзлари каби овозлари ҳам гўзал бўлганини билламиз.¹

У зот бу ширин овозларига мусаффо руҳларининг тотли ифодаларини ҳам кўшганлар ва аслида чиройли бўлган

овозлари бу сифатлари билан янада қиймат қозонган, инсоният эшитган энг чиройли овоз даражасига етган. Бу ҳолат Куръони каримда алоҳида таъкидланган. Ол-и Имрон сурасининг 159-ояти мазмуни бундай: “(Эй Мухаммад, алайҳиссалом,) Аллоҳнинг марҳамати сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар кўпол, қаттиқдил бўлганингизда эди, албатта, улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар”.

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, тингловчини зериктириб қўймаслик учун улар ўзлари истакли бўлган пайтларни пойлаганлари ва ўшандай пайтларда суҳбатлашганлари каби, нафрат уйғотмаслик учун овоз танлашга ҳам талабчанлик билан риоя қилганлар.

Овоз-оҳанг танлашда тингловчиларнинг сонига ва ҳолатларига, шунингдек, мавзуга қараганлар.

1. Тингловчига кўра овоз танлашлари:

Набий, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, тингловчиларнинг олдинда турганларини безовта қилмайдиган, орқа қатордагиларга ҳам эшитиладиган бир овоз танлашга аҳамият берганлар. Бу мавзуда келган нақллардан баъзиларини эслаймиз:

а) Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, кечалари асҳоби суффа ёнига келганларида ухлаганларни уйғотиб юбормайдиган, уйғоқларгагина эшитиладиган қилиб салом берганлари бизга маълум².

Асҳоби суффа бошқа асҳоб каби Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, битта саломларини олиш учун жон беришга тайёр³, у Зотни дунё ва охират саодатининг ягона раҳбари сифатида таниган, бир лўқма таомга қаноат этиб,

у кишининг ёнларида қолишни афзал билган инсонлар эди. Шу боис Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, овозлари туфайли уйқудан уйғониб кетишни ўзлари учун неъмат ҳисоблашлари ҳақ эди. Шуларга қарамай, Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, майин овозда салом беришлари тингловчини безовта қилмаслик одобларидан эди;

б) хитоб учун оёққа туришлари, минбарга чиқишлари, улов устига ёки баландроқ бир жойга чиқишлари ҳам тингловчилар у кишини қулай кўрсинлар, ҳам овозларини ҳамма бемалол эшитсинлар, деган мақсаддадир;

в) минбарда қилган энг сўнгги суҳбатларида хаста бўлганлари учун ўтириб олган, баланд овозда гапиришга мажоллари етмагани учун жамоатни яқинроқ сурилишга даъват қилган эдилар;

г) бир ҳайит хутбаларини орқада турган хотинлар эшитмагани сабабли уларнинг ёнларига борганлар ва улар билан алоҳида суҳбат қурганлар;

д) Уммул Ҳусайн Ахмосий ривоят қилади: “Расулulloҳни, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, видо ҳажиди (одамларга) хитоб қилаётган ҳолларида кўрдим. Эгниларида қўлтиқ остидан ўтказиб ташлаб олган бир кийим бор эди. Мен у кишининг елка мускуллари (баланд овозда ҳайқираётганлари боис) титраётганига қараб турган эдим. Шундай дердилар: “Эй инсонлар, Аллоҳдан кўрқинг!.. Сизга амир этиб тайинланган киши бурни тиртиқ бир қул-да бўлса, токи Аллоҳнинг китобига кўра ҳукм юритар экан, унга итоат этинг!..”⁴

Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Арофотда қилган бир хутбаларини Робия ибн Умаййа ибн Халаф (2/624) жумлама-жумла такрорлаб турган.⁵

Минода чошгоҳ пайти бир бўз туя устида қилган хутбаларини эса, Ҳазрати Али ибн Абу Толиб (40/661) баланд овозда такрорлаб турган.⁶

(Давоми 10-бетда)

¹ Мухаммад ибн Саъд. “Ат-Табақатул-Кубро”, 1/376.

² Муслим. “Ал-Ашриба”, 32/174, 111/1625.

³ Ал-Бухорий. “Ал-Амалу фи-с-солат”, 15, 11/63.

⁴ Абу Исо ат-Термизий. “Ал-Жиҳод”, 28/1706, IV/209.

⁵ Қаранг: Ибн Хишом, VI/222.

⁶ Абу Довуд. “Ал-Маносик”, 73/1956, II/268.

МУНДАРИЖА

<i>Сийрат</i>	
Хутба чоғида овоз	1
<i>Ақида</i>	
Имоми Аъзам Абу Ҳанифа НЎЪМОН ИБН СОБИТ Аҳли сунна вал-жамоанинг асос хусусиятлари.....	4
<i>Қироат</i>	
Имом АН-НАВАВИЙ	
Қуръон тиловати одоблари	8
<i>Нашрларга бир назар</i>	
Ислоний сариеғ	13
Ботинда ҳаё бўлса	13
<i>Мактубларда манзаралар</i>	
“Қарқуноқдан булбул чиқибди”	14
<i>Ҳаёт сабоқлари</i>	
Хотиржамлик манбаи	17
<i>Амри маъруф</i>	
Абдур-Таввоб ибн МУҲАММАД ИБН ШАФИҚ	
Ҳалқумингизни покланг	20
<i>Дарсхона</i>	
Акмал АВАЗ	
Тажвиддан синов	21
<i>Адабиёт</i>	
Ат-ТАНУҲИЙ	
Гувоҳ	22
<i>Шеърят</i>	
Турсунбой АДАШБОВ	
Олтин ёлли тулпор қиссаси	23
<i>Хотира</i>	
Садриддин ФИЁСИДДИН ўғли	
Сайфуддин Аъламининг китоблари	24
<i>Муштарий илҳом</i>	
Солижон ИСМОИЛОВ	
Яхши ибрат ўғил-қизга қолади	25
Абдуллоҳ АБДУСАТТОРОВ	
Мазҳабимизнинг фикҳий қомуси	27
<i>Ўйлаб кўринг</i>	
Эътиборга молик далиллар	27
<i>Илк намоз</i>	
Жефри ЛАНГ	
Сенсиз яшай олмайман	28
Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ	
Завқ	29
<i>Тарих</i>	
Раҳимберди РАҲМОНОВ	
Луқмони Ҳаким	29
<i>Амри маъруф</i>	
Сурайё ЗОҲИР	
Ҳалол ва ҳаром сўз	30
Мухтор СУЛТОНҚУЛОВ	
Бедананинг хониши	30
.....	31

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Хабарлар

6

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ал-Азҳар дорилфунунининг шариат ва қонун факултети фикҳ муаллими доктор Ато ас-Санбатининг айтишича: “Инсоннинг Аллоҳ берган танасига эгалик ҳуқуқи мулкка хўжайинлик эмас, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқидир. Бундан инсон бирор аъзосини бемалол сотиши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди”.

Тафаккур бурчаги

Абдуллоҳ МУСЛИМ

11

ИККИ МАНЗИЛ

Ким дунёда бир нафсоний орзуни тарк этса, бу иш унга охиратда бир саодат бўлади.

Амри маъруф

Мўминжон САИДАЛИЕВ.

12

ҚЎШНИ МЕРОСХЎР
ЭМАСМИКИН?

Шариатимизга кўра, қуйидагилар қўшничиликнинг асосий ҳақлари: қўшни қарз ёки бирор нарса сўраса, бериш; чақириб келса, жавоб қилиш; касал бўлса, бориб кўриш; бошига мусибат тушса, гамига шерик бўлиб, кўнглини кўтариш; сафарга кетса, макони ва оила аъзоларини ҳимоя қилиш; ўзи руҳсат бермаса, иморатини қўшниникидан баланд қурмаслик...

Ҳидоят топганлар

16

«ИҚРОРЛИГИМНИ ЁЗИБ ОЛ...»

Сэр Жеймс баралла қичқириб юборди:

«Нима дединг?! „Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўркур...“ Даҳшат, фаройиб, жудаям ажойиб! Бу эллик йиллик ўрганиш ва мушоҳадаларимнинг исботи-ку! Қуръонда чинданам шундай оят борми?»

Ибратли ҳаёт

18

УММУ КУЛСУМ

Умму Кулсум ҳирқани олиб, Умар ибн Хаттобнинг хузурларига келди. Изн сўраб ичкарига кирди ва отаси тайинлаган гапларни айтди. Асл кўзланган мақсаддан у ҳали беҳабар эди.


Умар ибн Хаттоб қувониб:

— Бу ҳирқани мен қабул этганимни, рози бўлганимни отангга айтгин, — дедилар.

Мўъжиза, ҳикмат
Ҳорун ЯХЁ

31

НИҚОБЛАНИШ САНЪАТИ



Ўргимчак, чигиртка, бешиктебратар каби турли ҳашаротлар ҳам ниқобланишда устадирлар. Бу ҳашаротлар ўйлашга қодир эмас, улар тирик қолиш учун барга ўхшаш зарурлигини англаб етмайди. Буни билишганида ҳам, таналарини баргнинг жимжимадор шаклларида ўхшатиб олиш қўлларидан келмасди. Унда ҳашаротнинг қанотидаги бу бетакрор нақшларни ким ақл билан чизиб-лойиҳалаб қўйган?

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли
тайёрлади.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.

Босмаҳонага 2003 йил 22 августда
топширилди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}.
Адади 7000 нусха. 149-сон буюртма.
«КО'НИ NUR» МЧЖда босилди. Манзили:
Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтамыз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарибмайди, тақриз қилинмайди.
Мақалалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн СОБИТ

АҲЛИ СУННА ВАЛ-ЖАМОАНИНГ АСОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Биродарларим, Аллоҳ таоло биз ва сизларга муваффақият ато қилсин, билингларики, Аҳли Сунна вал Жамоанинг мазҳаби ўн икки эътиқодий хусусият устига барпо бўлган. Ушбу хусусиятларга таянган банда, албатта, тўғри йўлда — ҳидоятда бўлажак:

1. Имон. У тил билан иқрор бўлиш ва дил билан тасдиқ қилишдир. Аммо иқрор бўлишнинг ёлғиз ўзи имон эмас. Агар шундай бўлганида эди, мунофиқларнинг барчалари мўмин бўлардилар. Шунингдек, ёлғиз маърифат (Аллоҳни таниш) ҳам имон эмас. Агар шундай бўлганида эди, аҳли китобларнинг ҳаммаси мўмин бўлган бўлардилар. Аллоҳ мунофиқлар ҳақида шундай баён қилади: «...Аллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз ёлғончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур» (*Мунофиқун, 1, мазмуни*). Шунингдек, Аллоҳ аҳли китоблар хусусида: «**Биз китоб берган ўша (золим) кимсалар уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар...**» (*Бақара, 146, мазмуни*).

Имон зиёда ҳам бўлмайди, камайиб ҳам қолмайди. Чунки имоннинг камайиши куфрнинг зиёда бўлиши ва имоннинг зиёда бўлиши куфрнинг камайиши, дегани бўларди. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам мўмин ва ҳам кофир бўлиши ҳеч мумкинми?! Инсон ёки ҳақиқий мўмин, ёки ҳақиқий кофир бўлади. «**Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир...**» (*Анфол, 4, мазмуни*); «**Ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир...**» (*Нисо, 151, мазмуни*), имонда шак бўлмаганидек, куфрда ҳам шак йўқ.

Шунинг учун Муҳаммад, алайҳиссалом, умматларидан гуноҳқорлари ҳам ҳақиқий мўминлардир, улар кофир эмаслар.

Амал имон эмас, имон амал эмас. Бунга далил шуки, кўп вақтларда мўмин одамдан амал кўтарилади. Бундай пайтда мазкур мўминнинг имони кўтарилди деб айтилмайди. Масалан, ҳайз кўрган мўмина аёлдан Аллоҳ намоз амалини кўтаради, яъни, бекор қилади. Бу вақтда биз, Аллоҳ аёлдан имонини кўтарди ёки унга имонни тарк қилишни буюрди, дея олмаймиз. Шорёъ ҳайз кўрган аёлга, рўзани кўйиб тур, унинг қазосини кейин тутиб берасан, дейди. Аммо Шорёъ у аёлга, имонини кўйиб тур, унинг қазосини кейин адо қилиб берасан, демайди. Шунингдек, камбағал одам учун закот фарз эмас, дейиш жоиз. Аммо, унга имон фарз эмас, дейиш жоиз эмас.

Тақдирнинг барча яхшилиги ва ёмонлиги Аллоҳ таолодандир. Агарда бирор банда тақдирнинг ях-

шилиқ ва ёмонлиги Аллоҳдан ўзгага боғлиқ деса, у Аллоҳни инкор этувчи кофирга айланиб қолади ва унинг тавҳид ақидаси барбод бўлади.

2. Биз амаллар уч хил, яъни, фарз, фазилят ва маъсият бўлишига иқроримиз.

Фарз амаллари. Улар Аллоҳнинг амри, хоҳиши, муҳаббати, ризоси, қазойи қадари, яратиши, ҳукми, илми, тавфиқи ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан содир бўладиган амаллардир.

Маъсият амаллар. Улар Аллоҳнинг амри билан эмас, балки Унинг хоҳиши билан, Унинг муҳаббати билан эмас, Унинг қазоси билан, Унинг ризоси билан эмас, Унинг тақдири билан, Унинг тавфиқи билан эмас, Унинг илми ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан, лекин Унинг нусратисиз содир бўладиган амаллардир.

Фазилятли амаллар. Улар ҳам Аллоҳнинг буйруғи билан эмас, балки Унинг хоҳиши, муҳаббати, ризоси, қазойи қадари, ҳукми, илми, тавфиқи, яратиши ва Лавҳул Маҳфузда битиши билан содир бўладиган амаллардир.

3. Биз Аллоҳни Аршга бирор ҳожат учун ёки кўним топши учун «истиво» қилган, деб иқрор қилмаймиз. Аллоҳ Аршни ва ундан бошқа нарсаларни ҳам ҳифзу ҳимоя қиладиган Зотдир. Агар Аллоҳ эҳтиёжманд зот бўлганида эди, У оламни яратишга, унинг тадбирини қилишга қодир бўлмаган бўлур эди. Агарда Аллоҳ ўтиришга ва қарор топишга ҳожатманд бўлса, У Аршни яратмасдан илгари қаерда эди?! Аллоҳ таоло бу каби нуқсонлардан ўта баланддир.

4. Биз Қуръон Аллоҳнинг сўзи, махлуқ эмас, ваҳийи, танзили, сифати, У эмас, ўзга ҳам эмас, деб иқроримиз. Аллоҳнинг Сўзи мусҳафларда битилган, тиллар билан ўқилган, қалбларда ёдланган бўлса-да, уларда ўрнашмагандир. Сиёҳ, қоғоз, битиш-ёзиш махлуқдир, зеро, улар бандаларнинг феълларидир. Аллоҳнинг Сўзи махлуқ эмас. Ёзиш, ҳарфлар, сўзлар, оятлар уларга бандаларнинг эҳтиёжи боис Қуръон далолатларидир. Аллоҳнинг қаломни Унинг зотида собитдир. Аллоҳнинг Сўзини махлуқ деган кимса Аллоҳ таолони инкор этувчи кофирдир. Аллоҳ ҳамisha ягона маъбуддир. Унинг Сўзи Зотида йўқолмай, ўқилади ва ёдланади.

5. Биз Пайғамбаримиздан, алайҳиссалом, кейин уммати Муҳаммадийанинг энг афзали Абу Бакр Сиддиқ, сўнгра Умар, кейин Усмон ва ундан сўнг Али (Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин), деб иқрор қиламиз. Сўзимизга далил Аллоҳнинг қу-

йидаги оятидир: «**Пешқадам бўлган зотлар** (жаннат неъматларига эришишда ҳам) **пешқадам бўлгувчи зотлардир. Ана ушалар ноз-неъмат боғларида** (Аллоҳ таолога) **яқин қилингувчилардир**» (Воқеа, 10–12, мазмуни).

Мазкур саҳобаи киромларнинг бир-бирларига нисбатан фазли уларнинг олдинроқ ўтганлари билан ўлчанади. Ҳар бир тақводор мўмин уларни яхши кўради. Ҳар бир бадбахт мунофиқ уларни сўймайди.

6. *Биз ҳар бир банданинг амаллари, иқрори ва маърифати махлуқ эканига иқроримиз.* Иш-ҳаракатни бажарувчи махлуқ экан, унинг амаллари ҳам махлуқ эканига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

7. *Биз Аллоҳ барча махлуқларни яратганида уларда куч-қувват йўқлигига ва улар заиф ва ожиз эканликларига иқроримиз.* «**Аллоҳ сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот этдирадиган, сўнгра (қиёматда) тирилтирадиган зотдир!..**» (Рум, 40, мазмуни). Дарҳақиқат, Аллоҳ махлуқларнинг яратувчиси ва ризқ берувчиси.

Ҳалол касб-кор йўли билан тўпланган бойлик ҳалолдир. Ҳаром йўл билан орттирилган дунё ҳаромдир.

Одамлар уч тоифага бўлинадилар:

1. Имонида содиқ мўмин.
2. Кофирлигида қаттиқ оёқ тираб олган кофир.
3. Нифоқини яширган мунофиқ.

Аллоҳ мўминга амални, кофирга имонни, мунофиққа самимийликни фарз қилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Эй одамлар, Раббингиздан кўрқинглар!**» Бу дегани, эй мўминлар, итоат қилинглари, эй кофирлар, имон келтиринглари, эй мунофиқлар, ихлос қилинглари, деганидир.

8. *Биз «иститоъа»ни (қодир бўлмоқлик, қурби етмоқликни) феъл (иш-ҳаракат) билан биргадир, ундан олдин ҳам эмас ва кейин ҳам эмас, деб иқрор бўламиз.*

Агар «иститоъа» феълдан илгари бўлса, у вақтда банда ҳожат пайтида Аллоҳга муҳтож бўлмай қолади. Бу эса қуйидаги ояти карима мазмунига хилофдир: «**...Аллоҳ беҳожат, сизлар эса муҳтождирсизлар...**» (Мухаммад, 38, мазмуни), яъни, бандалар доимо Аллоҳга муҳтождирлар, аксинча бўлиши мумкин эмас.

Агар «иститоъа» феълдан кейин мавжуд бўлса, у вақтда банданинг қодир бўлмасдан туриб мақсадга эришиши амри маҳолдир.

9. *Биз оёқ кийимига масҳ тортиш муқим учун бир кеча-кундуз ва мусофир учун уч кеча-кундуз жоиз эканига иқроримиз.* Чунки ҳадис шундай ворид бўлган. Кимки уни инкор этса, унинг кофир бўлиб қолишидан хавотир мавжуд. Чунки ҳадис мутавотир хабарга яқиндир.

Мусофирлик вақтида намозни қисқартириб ўқишга ва рўза тутмасликка қуйидаги ояти карималарга биноан руҳсат этилган:

«**Ер** (юзи) **бўйлаб сафар қилганингизда, агар**

кофирларнинг сизларга фитна (ҳужум) қилишидан кўрқсангиз, намозни қаср (қисқа) қилишингизда сизлар учун гуноҳ йўқ...» (Нисо, 101, мазмуни).

«**...Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир...**» (Бақара, 184, мазмуни).

10. *Биз Аллоҳ таолонинг қаламга ёзишни буюрганига, қалам: «Ё Раббим, нимани ёзайин?» деганига ва Аллоҳ унга, қиёмат кунигача бўладиган нарсаларни ёз, деб амр қилганига иқроримиз.* Бунга «**Улар қилган ҳар бир нарса битикларда** (номаи аъмолларида)дир. **Ҳар бир кичик ва катта** (иш Лавҳул Маҳфузда) **битилгандир**» (Қамар, 52–53, мазмуни) оятлари далилдир.

11. *Биз қабр азоби муқаррарлигига, Мункар ва Накир фаришталари савол-жавоб қилишига (ворид бўлган ҳадисларга биноан) иқроримиз.* Шунингдек, Жаннат ва Дўзах ҳақ ва иккиси ҳам ўз аҳллари учун яратиб қўйилганига ва Аллоҳ таолонинг мўминлар ва кофирлар хусусидаги: «**Мўминлар учун тайёрлаб қўйилган...**»; «**Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган**», деган сўзлари ҳақ эканига, Аллоҳ таолонинг: «**Қиёмат кунинда адолат тарозусини ўрнатамиз**», деган сўзига биноан Тарозу ҳақ эканига; Аллоҳнинг: «**Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзинга қарши етарли ҳисобчидир**» (Ал-Исро, 14, мазмуни), деган сўзига биноан номаи аъмолни ўқиш ҳақ эканига иқроримиз.

12. *Биз Аллоҳ таолонинг «Қабрлардаги ҳар бир бандани Аллоҳ қайта тирилтиради», деган мазмундаги каломига биноан, Аллоҳ одамзот ўлиб битганидан сўнг, уларни жазолаш, тақдирлаш ва ҳуқуқларини адо қилиш учун узунлиги эллик минг йилга тенг кунда қайта тирилтиришига; Жаннат аҳлининг Аллоҳни ҳолатсиз ва жиҳатсиз кўришлари ҳақ эканига; Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, Жаннат аҳлидан бўлган бандани, гарчи у гуноҳи қабира қилган бўлса ҳам, шафоат қилишлари ҳақ эканига; Оиша онамиз Ҳадича онамиздан сўнг дунё аёлларининг энг афзали ва мўминларнинг оналари эканига, унинг зинодан поклигига, унинг равофизлар айтганларидан пок эканига, унга зинони нисбат берган кимса валади зино эканига; Аллоҳнинг мўминлар ҳақидаги: «**Улар Жаннат аҳлиларидирлар. Улар унда абадий қолувчилардир...**» ва кофирлар хусусидаги: «**Улар Дўзах аҳлиларидирлар. Улар унда абадий қолувчилардир...**» деган каломига биноан, жаннат аҳли Жаннатда ва дўзах аҳли Дўзахда абадий қолажаклари ҳақ эканига иқроримиз.*

Аллоҳ субҳанаху ва таолога ҳамд, Пайғамбаримизга (с.а.в.), у зотнинг авлодлари ва саҳобаларининг барчаларига қиёмат кунигача дуруду саломлар бўлсин.

Абдурашид БАҲРОМ

тайёрлади

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Олимларга мукофотлар

Қароргоҳи Мароқашнинг Рабат шаҳрида жойлашган таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ИСЕСКО) 2003 йилги мукофотларини бериш ҳақида қарор қабул қилди. ИСЕСКОга аъзо бўлган олти мамлакатнинг вакиллари ташкилот мукофотларининг соҳиби бўлишди. Кимё соҳасидаги мукофот тожикистонлик доктор Иззатулла Жаниевга, маъданшунослик бўйича эса Қирғизистон олими доктор Кубат Отман Битуфга насиб этди. Биология ва технология соҳасидаги мукофотлар Миср, Бангладеш, Покистон, Эрон олимларига берилди.

www.islam.ru

Бирлашмалар бирлашмоқда

Жаҳондаги икки йирик Ислом молия бирлашмаси — “СІМВ Ltd” ва “Ат-Тавфиқ” раҳбарлари Малайзия пойтахти Куала Лумпур шаҳрида махсус ҳужжатни имзолаб, биргаликда фаолият юритишга қарор қилишди. Шунга кўра, “СІМВ Ltd” Жанубий Осиё минтақасида Яқин Шарқ сарможалари учун оффшор бозорларини ривожлантириш билан шуғулланса, “Ат-Тавфиқ” ўз навбатида Малайзия ва Жанубий Осиёдаги сарможаларни Яқин Шарқ ва Шимолий Африқода ишга солиш имкониятларини ўрганади.



www.islam.ru

Тиббиёт уюшмасининг хизматлари

Жанубий Африқо Ислом тиббиёт уюшмаси муҳожирлар ва бечораҳолларга кўрсатган беминнат ёрдами учун дунё жамоатчилигининг таҳсин-эҳтиромига сазовор бўляпти. Уюшма 1970 йили Жанубий Африқо мусулмон шифокорлар лигаси сифатида ташкил топган эди. 1978 йилга келиб тўлақонли ташкилотга айланди. Яқинда Ислом тиб-

биёт уюшмалари федератсияси президенти Али Мишел шундай деди: «Жанубий Африқо Ислом тиббиёт уюшмаси Оврупа, Африқо ва Осиё — хуллас, ҳамма жойда муҳтожларга хайр-эҳсон қилади ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатади». Уюшма раиси, кейптаунлик руҳиятшунос Ашраф Жавдарнинг айтишича, ташкилотнинг энг муҳим вазифаларидан бири тиб амалиётида Ислом дини талабларини қарор топтиришдир.

www.islam.ru

Ислом кенг тарқалаяпти

Испания мусулмонлари мамлакат аҳолисини Ислом дини асослари ва тарихи билан таништириш бўйича тадбирлар ўтказишни бошладилар. Испания ҳаётида мусулмонларнинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатнинг Гренада, Севилйа, Толедо ва бошқа шаҳарларида мусулмонлар тиклаган муҳташам ёдгорликлар шу кунларгача сақланиб қолган. Ҳозирги пайтда Ислом дини мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам кенг тарқалмоқда.



Бугун Испанияда ярим милён мусулмон бор, улар мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашишяпти. Яқинда Гренада жомеъида испан тилида сўзлашувчи аҳоли учун семинар ўтказилди. Севилйада бўлиб ўтган Ислом анжуманида шаҳар ҳокими ҳам иштирок этди.

www.islam.ru

Шармандали бозор

Икки тирик кишидан бирининг ўз тана аъзоларини иккинчисига ҳаля этиши ёки сотиши асло мумкин эмас. ИНА ахборот идораси хабарига кўра, Қоҳирадаги (Миср) Хилвон дорилфунунидаги анжуманга тўпланган уламолар бу борада бир фикрга келишди. Ал-Азҳар дорилфунунининг шариат ва қонун факултети фикҳ муаллими доктор Ато ас-Санбатининг айтишича: “Инсоннинг Аллоҳ берган та-



насиға эғалик ҳуқуқи мулкка хўжайинлик эмас, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқидир. Бундан инсон бирор аъзосини бемалол сотиши мумкин, деган хулоса келиб чиқмайди». Анжуман иштирокчилари мамлакат ҳукуматини бу шармандали ишга барҳам беришга, катталар ва болаларнинг ҳатто ўғирланишига сабаб бўлаётган, тирик одамларнинг аъзоларини кўчириб ўтқазиб учун «маҳсулот» етказиб берувчи «бозор»ни йўқотишга чақирди.

IINA

Интернетда мулоқот ҳалолми?

Канаданинг Торонто шаҳридаги Ислом институти илоҳиёт муаллими шайх Аҳмад Кутти бир мусулмоннинг интернет орқали берган саволига жавоб тариқасида интернет чатлари тўғрисида махсус фатво берди: «Ислом динига эътиқод қиладими ёки йўқми, юзма-юз турибми, чат ёки телефон орқалими, булардан қатъи назар, эркак ва аёлнинг ўзаро мулоқоти ҳаромдир. Чунки динимиз мусулмон кишининг аёллар билан дўстлик ўрнатиш ёки беҳуда суҳбатлар қуриш учун холи қолишини тақиқлайди. Чунки бундай суҳбатлар тўла хилватга чекинишга, тақиқланган ҳаракатларга бошлаши, бузуқ фикр, фаҳш истак ва эҳтирослар туғдириши мумкин. Бироқ мусулмон ахлоқига риоя қиладиган икки тақводор қарама-қарши жинсдаги шахснинг гоҳи-гоҳида жиддий ва иш юзасидан гаплашиши ҳалолдир».



Мусулмон давлатларидан қузатувчилар

Филиппин ҳукумати Ислом дунёси давлатларини мамлакат ҳукумати ва Морони озод қилиш Ислом жабҳаси ўртасида имзоланган ўт очмаслик тўғрисидаги битим ижроси устидан қузатувчилар гуруҳини ташкил этишга чақирди. Интернет хабарига кўра, Филиппин президенти маъмуриятининг вакили шу ҳақда баёнот берган.

Қузатувчиликка таклиф этилган гуруҳга Малайзиядан ташқари Ливия, Бангладеш ва Баҳрайн киради. Айнан Малайзияда яқинда Филиппин ҳукумати билан мусулмон кўзғолончилар

ўртасида норасмий музокаралар бўлиб ўтди. Расмий музокаралар эса аввалроқ томонларнинг қуроли ҳаракатлари туфайли барбод бўлган эди.

www.voanews.com.

Хаттотлар кўргазмаси

Исломий хаттотлик асарларининг ноёб тўплами бу йил Малайзиядаги Ислом санъати музейида намойиш этиладиган бўлди.



Хаттотлар кўргазмаси шу йил октябр ойида Малайзиянинг янги пойтахтида ўтадиган Ислом Конференсаси ташкилотининг йиғини олдидан иш бошлайди.

“New Straits Times”

Янги исломий телеканаллар

Индонезия пойтахти Жакартада сунъий йўлдош орқали эфирга чиқувчи янги исломий телеканални синаб кўриш маросими бўлди. Телеканал яқин орада мунтазам кўрсатувлар узатишга киришади. “Ар-Раҳмон” деб номланган янги телеканал бутун дунё томошабинларига исломий маданий дастурларни тақдим эта бошлайди.

АҚШда ҳам янги Ислом телеканали очиш режаси пайдо бўлди. “Ал-жусур” (“Кўприқлар”) деб номланадиган бу телеканал амриқолик мусулмонларга инглиз тилида маърифий кўрсатувлар намойиш қилади.

IINA

Полшада диний адабиётлар наشري

Польшалик мусулмонлар ҳозиргача Ислом дини асослари ва тарихига оид йигирмадан ортиқ китоб нашр этишди. Қуръони каримнинг айрим суралари, Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳадислари поляк тилига таржима қилинди. Бугунги Полшада бир неча мадраса, Ислом ташкилотлари, таълим ва хайрия муассасалари ишлаб турибди. Мамлакатда жами ўттиз бир минг мусулмон бор. Уларнинг мингдан зиёдароғи поляклар, беш минги этник татарлар, қолганлари эса муҳожирлар ва хорижлик талабалардир.

IINA

Имом ан-НАВАВИЙ

ҚУРЪОН ТИЛОВАТИ ОДОБЛАРИ

Қуръон ўқувчи киши тиловатни тарк қилмаслиги, бу ишда бардавом бўлиши лозим. Салаф уламоларимизнинг Қуръонни хатм қилиш одатлари турлича эди. Баъзилари икки ойда, баъзилари ҳар ойда, бошқалари ҳар ўн, саккиз ёки етти кунда Қуръонни хатм қилиб туришарди. Кўпчиликнинг одати шу эди. Олти, беш, тўрт ёки уч кунда хатм қилувчи уламолар ҳам бўлган.

Қуръон ўқишни қачон бошлаб қачон хатм қилиш вақти қорининг ихтиёридадир. Масалан, Усмон, розийаллоху анху, бир ҳафталик хатмларидан жума кечаси бошлаб, пайшанба кечаси тугатар эдилар. Абу Ҳомид Фаззолий “Ихёу улумиддин” китобларида: “Хатмларнинг афзали тунги хатм ва кундузги хатм. Кундузги хатм душанба кунини бомдод намозининг икки ракатида ёки ундан кейин тугатилади.

Тунги хатм жума кунини шом намозининг икки ракатида ёки ундан кейин тугатилади”, деб айтганлар.

Қуръон қироати учун энг яхши вақт намоздаги вақтдир. Намоздан ташқари қироат эса, кечаси бўлгани яхшироқ. Кечанинг иккинчи ярмида бўлгани аввалида бўлганидан яхшироқ. Шом ва хуфтон орасидаги тиловат ҳам суюклидир. Аммо кундузги тиловатларнинг энг яхшиси бомдод намозидан кейингисидир. Қайси вақт бўлмасин, Қуръон тиловат қилишнинг кароҳияти йўқ. Ҳатто намоз ўқиш ман қилинган пайтларда ҳам тиловат қилинаверади.

Ёлғиз хатм қилувчи қори хатмни намозда тугатиши мустаҳабдир. Аммо намоздан ташқарида кўпчилик бўлиб хатм қилиш кеча ёки кундузнинг аввалида бўлгани яхши. Хатм кунини рўза тутиш ҳам мустаҳаб. Фақат ман қилинган кунларда рўза тутилмайди. Тобеинлардан Талха ибн Мусарраф, Мусаййиб ибн Рофиъ ва Ҳабиб ибн Абу Собитлар Қуръонни хатм қиладиган кунлари рўзадор бўлар эдилар. Хатм мажлисларида

Қуръон ўқишни биладиганлар ҳам, билмайдиганлар ҳам ҳозир бўлиши мустаҳабдир.

Қатода, раҳматуллоҳи алайҳ, айтадилар: “Анас ибн Молик, розийаллоху анху, қачон хатм қилсалар (яъни, Қуръонни ўқиб тугатсалар), аҳли аёлларини тўплаб, дуо қилардилар”. Ҳаким ибн Утбадан қилинган саҳиҳ ривоятда у киши айтадилар: “Менга Мужоҳид

билан Абда ибн Абу Лубобани юборишибди. Улар, биз Қуръонни хатм қилишни хоҳлаيمиз, чунки Қуръон хатм қилинганида дуолар ижобат бўлади, деб айтишди” (Ибн Абу Довуд ривояти).


Баъзи саҳиҳ ривоятларда, Қуръон хатм қилинганида раҳмат ёғилиб туради, деб айтилган.

Қуръон хатм қилинганида тазааруъ ва илтижо билан, қабул бўлишига ишонган ҳолда дуо қилиш мустаҳабдир.

Ҳумайд Аъраж, розийаллоху анху, айтадилар: “Ким Қуръон ўқиб, сўнгра дуо қилса, унинг дуосига тўрт минг фаришта омин деб туради” (Дорамий ривояти).

Абу Мусо Ашъарийдан, розийаллоху анху, ривоят қилинади. Расулуллоҳ, соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қуръонни ёдлаганингиздан кейин маҳкам тутинглар. Аллоҳга қасамки, Қуръон арқони ечилган туядан ҳам тезроқ қочади”, дедилар (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Анасан, розийаллоху анху, ривоят қилинади. Расулуллоҳ, соллаллоху алайҳи ва саллам: “Менга умматимнинг савоблари кўрсатилди. Улар орасида киши масжиддан чиқариб ташлаган ахлат (учун берилган савоб) ҳам бор эди. Яна менга умматимнинг гуноҳлари кўрсатилди. Бир кишига Қуръондан бирор сура ёки оятни ёдлаш насиб этгач, сўнг уни унутиб юборганидан каттароқ гуноҳни кўрмадим”, дедилар (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари).



Саъд ибн Убодадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким Қуръонни ўқиб, сўнг уни унутиб юборса, қиёмат куни Аллоҳ таолога қўли кесик ҳолда йўлиқади”, дедилар (*Абу Довуд ва Дорамий ривоятлари*).

Қуръон ўқувчи тиловат одобларига аҳамият бериши лозим. Аввало, қироатда ихлосли бўлиш ва бу билан фақат Аллоҳнинг розилигини талаб қилиш, Қуръон хулқи билан хулқланиш, зеҳни бир жойга қўйиб, ундаги маъноларни тадаббур қилиш талаб этилади. Қуръон ўқиётганида Аллоҳга қуллик қилаётганини билиши ва Уни кўриб тургандек ўзини ҳис қилиши, Аллоҳ уни кўриб турганини зеҳнига жойлаши лозим.

Қуръон тиловат қилишни хоҳлаган киши оғзини мисвок ва шунга ўхшаш нарсалар билан тозалашни яхши бўлади. Мисвок арак дарахти шохидан бўлгани яхшироқ. Бошқа нарсалар билан тозалашнинг ҳам зарари йўқ. Мисвок билан тозалашда оғизнинг ўнг томонидан бошлаш ва суннатни адо этмоқчи эканини ният қилиш керак. Бунда: “Аллоҳумма барик лий фийҳи йа арҳамар роҳимийн”, яъни: “Эй раҳм қилувчиларнинг Раҳмлиси бўлган Аллоҳим, буни мен учун барака қилгин”, деб айтган яхши.

Қуръонни хушу-хузуъ ва тадаббур билан ўқиш лозим. Шунда қалб юмшаб, нурга тўлади. Салаф уламоларимиз ичида тадаббур қилиб бир оятни тун бўйи ўқиб чиққанлари бор.

Қуръон ўқувчи тиловат чоғи йиғлаши, агар йиғлай олмаса, ўзини йиғлашга мажбурлаши мустаҳабдир. Бундай қилиш орифлар сифати ва солиҳ бандаларнинг шиоридир. Бунга Қуръони каримда: “**Улар йиғлаган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар ва бу (Қуръон) уларнинг хушуъларини (хокисорликларини) зиёда қилур**” (*Ал-Исро, 109, мазмуни*), деган далил бор.

Қуръон тиловат қилувчининг Қуръонни китобдан ўқиши ёддан ўқиганидан афзалдир. Салаф уламоларимиз шундай дейишган. Аммо кимнинг тадаббури, фикрлаши, қалбини жамлаши Қуръондан ўқиганидан кўра ёддан ўқиганида зиёдроқ бўлса, ёддан ўқигани афзалдир.

Баланд овозда ёки овоз чиқармай тиловат қилиш ҳақида ҳам уламоларнинг сўзлари бор. Риёдан кўрққан киши овозини чиқармай ўқигани афзал. Агар кўрқмаса, баланд овоз билан ўқигани яхши. Шу шарт биланки, атрофидагилар намоз ўқиётган бўлмаслиги керак. Баланд овоз билан ўқиганида бошқаларга ҳам фойда бор. Чунки Қуръон тиловати қалбларни уйғотади, бутун ву-

жудини фикрлашга чорлайди, уйқуни кетказиб, фаолликни зиёда қилади.

Чиройли овоз билан, тажвид билан тиловат қилинади. Жуда чўзиб юборилмайди. Бирор ҳарф зиёда қилиниши ёки тушиб қолдирилиши ҳаром.

Тиловат қилувчи киши суранинг ўртасидан ўқимоқчи бўлса, бир-бирига боғлиқ оятларнинг аввалидан бошлаши керак. Тўхтатганида ҳам бир-бирига боғлиқ оятларда тўхтамайди. Бошланиши, вақф, жузъ, ҳизб, ўндан бири деб эътибор қилмайди. Шунинг учун уламолар: “Бир суранинг ҳаммасини ўқиши узун сурадан бир миқдор ўқиганидан афзал”, дейишган.

Ибн Масъуддан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирортангиз фалон-фалон оятни унутдим, демасин. Балки унуттирилди, десин”, дедилар.

Анасдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бир кеча ва кундузда эллик оят ўқиган одам гофиллар қаторида ёзилмайди, юз оят ўқиган киши кечани ихё қилиб, Аллоҳнинг ибодатида узоқ турувчи, деб ёзилади, икки юз оят ўқиган киши билан Қуръон қиёмат куни ҳужжат талашмайди, беш юз оят ўқиган одамга эса, бир неча қинтор ажр ёзилади”, дедилар (*Ибн Сунний ривояти*).

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади: Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким бир кеча-кундузда Аллоҳнинг розилигини талаб қилиб, Ёсин сурасини ўқиса, гуноҳлари кечирилади”, дедилар.

Бошқа бир ривоятда: “Ким кечаси Духон сурасини ўқиса, гуноҳлари кечирилган ҳолатда тонг оттиради”, дейилган.

Ибн Масъуддан, розийаллоҳу анҳу, қилинган ривоятда эса, Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким ҳар кеча Воқеа сурасини ўқиса, унга камбағаллик етмайди”, деганлар.

Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинади. Пайғамбар, алайҳиссалом: “Ким кечаси “**Иза зулзилатил арзу...**” сурасини ўқиса, Қуръоннинг ярмини ўқигандек бўлади, ким “**Қул йа аййуҳал кафирун**”ни ўқиса, Қуръоннинг тўртдан бирини ўқигандек бўлади, ким “**Қул ҳуваллоҳу аҳад**”ни ўқиса, Қуръоннинг учдан бирини ўқигандек бўлади”, дедилар.

Арабчадан
Анвар АҲМАД
таржумаси

ХУТБА ЧОҒИДА ОВОЗ

(Бошланиши 1-бетда)

Бу ишларни ўша кунларнинг ўзига хос овоз-кучайтиргич карнайлари деса бўлади. Ўша хутба чоғи тингловчилар сони юз мингга борар эди. Минода қилинган бошқа бир хутбада овозлари мўъжиза ўлароқ ҳамма томонга етиб боргани, ҳар ким турган жойида бу хутбани бемалол эшитгани тўғрисида ривоят ҳам бор.⁷

2. Мавзуга қараб овоз танлашлари:

Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, Қуръон ўқиётганда баъзи оятларда овозларини баланд ва ё секин чиқарганлари⁸ каби, суҳбатлашаётганда ҳам мавзунинг аҳамиятини урғулаш учун овоз танлашга риоя қилганлар.

а) Авф ибн Малик ал-Ашжойий дейди: “Расулulloҳнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, ёнларида ўтирган эдик. “Аллоҳнинг Расулига байъат қилмайсизларми?” дедилар. Саволларини (биздан жавоб олавермагач) уч марта такрорладилар. Қўларимизни узатдик ва дедикки: “Ё Расулulloҳ, биз сизга байъат қилган эдик. Энди нима хусусида байъат беришимиз керак?” Дедиларки: “Аллоҳга қуллик қилиш, Унга ҳеч бир нарсани шерик тутмаслик, беш вақт намозни ўқиш... — Сўнгра шивирлагудек бўлиб кўшиб кўйдилар: — ҳеч кимдан бирон нарса истамаслик учун байъат этинг”.⁹

б) Абдуллоҳ ибн Умар (73/692) ривоят қилган бир ҳадиснинг давомида шундай ҳолат тасвирланган: «Минбарга қарасам, тагидан силкинаётибди. Шу даражадаки, Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, билан бирга минбар қулаб кетади-ёв, деб кўрқа бошладим». ¹⁰

Бу ерда Абдуллоҳ ибн Умарнинг ифодасидан Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, минбар силкингудек даражада жўшқин бир ҳолатда сўзлаганлари англашилади. Бунақа ҳолатда овоз ҳам диққатларни жалб этадиган даражада баланд бўлиши керак.

3. Овоз оҳанги:

Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, овоз оҳангига ҳам кераклича аҳамият берганлар. Бирон бир ишдан ёки сўздан мамнун бўлганларини ёки хушланмаганларини юз ифодаларидан англаш мумкин бўлганидек, овоз оҳангларидан ҳам аниқласа бўларди.¹¹

а) Жобир ибн Абдуллоҳ (74/693) дейди: “Отамдан қолган қарз масаласини сўраш учун

Расулulloҳнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, уйларига бордим. Эшикни тақиллатдим. “Ким у?! деб сўрадилар. “Мен”, дедим. Хушланмаганлари сезилиб турган оҳангда: “Мен, мен...” дедилар”. ¹²

б) сафар чоғи дарахт соясида ёлғиз ухлаб ётганларида бошлари узра қилич кўтарганча уйғотиб: “Энди сени мендан ким қутқаради?” деган кимсага битта сўз билан “Аллоҳ!” дейишларида ҳам овозлари оҳанги шундай қаттиқ, кескин, метин бўлган эдики, бадавийни шошириб, қўлидан қиличини тушириб юборишигача сабаб бўлган; ¹³

г) Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, баъзан нидо ва сўроқ кўшимчаларини тарк этганлар, уларнинг ўрнига овозларига оҳанг бериш билан ўша маъноларни ифодалаганлар. Масалан, Ваҳшийга: “Ҳамзани (3/624) ўлдирган сенсан?” ¹⁴; Абу Талҳа (31/651) юборган овқатни келтирган Анасга (93/712): “Овқат... (бериб жўнатдими сени)?” деганда¹⁵ сўроқ кўшимчаларини, Ҳазрати Алини (40/661) “Абу Туроб!” дея чакирганда нидо аломатини қўлламаганлар”.

⁷ Қаранг: Ибн Қаййим ал-Жавзийя. “Зодул-Маод”, 1/275; Довуд. II/268.

⁸Қаранг: Ат-Термизий. “Ат-Тафсири”, 23/3169, V/323.⁸Қаранг: Ат-Термизий. “Ат-Тафсири”, 23/3169, V/323.

⁹ Муслим. “Аз-Закот”. 35/108, II/721.

¹⁰ Муслим. “Сийфатул-Мунофиқийин”. 24, 25, VI/2148. Яна қаранг: Бухорий. “Ал-Илм”, 28, I/21; Муслим. “Ал-Ҳудуд” 2/9. III/1315; Имом Молик. “Ал-Сийан”, 4/9, 193, 194.


¹¹ Ал-Бухорий. “Ал-Ҳайз”, 13, I/81; Муслим. “Ал-Ҳайз”, 13/160. I/260; Ат-Термизий. “Ал-Қадар”, I/2133, VI/443.

¹² Ал-Бухорий. “Ал-Истизон”, 17, VII/131; Муслим. “Ал-Адаб”, 8/39, III/1697.

¹³ Ал-Бухорий. “Ал-Мағозий”, 32, V/55; Муслим. “Ал-Фазойил”, 4/13, IV/1786.

¹⁴Ал-Бухорий. “Ал-Мағозий”, 23, V/37.

¹⁵Ал-Бухорий. “Ал-Маноқиб”, 25, IV/171.



Дунё ва охират...

Инсон булардан қай бирини севса, қалбидан иккинчисининг муҳаббати сўниб бораверади. Қай бирига яқинлашса, иккинчисидан шунчалик узоқлашади...

Дунёда ҳавои нафсга берилишни тарк этганлар охиратда макондан маконга бир онда ўтадилар, манзилдан манзилга замонсиз учадилар.

Бунда ҳалол еб-ичганлар унда саноксиз неъматлардан чексиз

соннинг шарафи ва шонидандир...

Биз шафқат доирамизни қанчалик кенг тутсак ва барча мўминларнинг дарди билан яшасак, шунча юксаламиз, тараққий этамиз.

Ҳийла-найранглардан қутуларди

Бир нарса бизга ёқмай қолдими — “ёмон”, эҳтиёжимизга ярамадими — “фойдасиз”, деб

Қай бири аъло?

Баъзан қушларга ҳавас қиламиз. Уларнинг шохдан-шоҳга учиб қўнишларига гайрангандек бўламиз. Ҳолбуки, бизнинг ички дунёимиз қушларнинг парвозидан янада юксакроқ мақомдадир. Ўй-фикримиз самода учати, денгизда сузади, ҳаёлимиз жаннатий боғларда кезади.

Биздаги илм сифати ва ҳаёл ҳам бир махлуқдир. Бу махлуқ

ИККИ МАНЗИЛ

чегарасиз истифода этадилар.

Дунёда вақтида гапириб ва вақтида сукут сақлашни билганлар охиратда гўзал суҳбатлардан баҳраманд бўлиб, энг гўзал каломларни эшитадилар.

Бу қисқа ҳаётда инсонларнинг ўткинчи илтифот ва эътиборларини тарк этганлар боқий манзилда илоҳий раҳмат ва иноят топадилар.

Ким дунёда бир нафсоний орзуни тарк этса, бу иш унга охиратда бир саодат бўлади.

Шарафимиз

Катта болға зарбидан парча-парча бўлган тош, ҳаётдан насибаси бўлмагани учун, заррача оғриқ сезмайди. Танаси қаламтарош билан чизилган дарахт эса, қисман бўлса-да, азоб чекади...

Бирор ҳайвоннинг баданига игнанинг учини теккизсангиз, дарҳол безовта бўлиб, ўзини ҳимоялашга ҳаракат қилади. Демак, махлуқларнинг оғриқни ҳис қилиш қобилияти уларнинг ҳаётдан олган насибаларига, тутган мавқеларига кўрадир.

Аммо игнадан безовта бўлган ҳайвоннинг барча тўдадошларини пичоқдан ўтказсангиз ҳам, безовталиги узоққа бормайди. Зотан, унда туйғу тараққий этмаган.

Изтиробни тўла ҳис қилиш инсонгагина хосдир. Бу ҳол ин-

четга сурамиз. Қарганинг қағиллашини полапоннинг қулоғи билан эшитолмаймиз, сичқонни мушукнинг завқи билан томоша қилолмаймиз.

Инсон арслонда қанот, илонда оёқ йўқлигининг ҳикматини тушуниб етса, илоҳий адолатни илғай олар, ваҳима-шубҳалардан йироқлашиб, ҳийла-найранглардан ҳам қутулар эди.

Бир ҳижо

Ҳовлимиздаги қўйнинг маърашини ҳар куни эшитсам-да, аҳамият бермас эдим. Лекин бир сафар унинг овози менга бошқачароқ таъсир қилди.

Қаршимдаги қўй зоҳиран маъраётган эди, аммо у маъраши билан ниманидир билдирмоқчи бўларди. Рухида пайдо бўлган қандайдир бир ҳолатни ташқи оламга шу биргина ҳижо орқали айтмоқчи эди гўё.

Қорни очганидан безовтамикан? Ёки яқинларидан айрилиб қолдимикан? Балки шўх укам отган тошдан жони оғриётгандир?..

Нима бўлганида ҳам унинг гапирмоқдан насибаси ёлғиз шу ҳижо эди ва барча кечинмаларини шу билангина ифодаларди.

Балки бу онгсиз жонивор: “Қўлингиздаги буюк неъматнинг қадрини билинг ва бекорга сарфламагн”, демоқчидир бизга...

қотларнинг қиймати қушлар парвози билан қиёсланадими?..

Насибаланиш

Буюклар дунёнинг устида юрдилар, асло ичига кирмадилар.

“Дунёдан ҳам насибаларини унутмадилар”.

Лекин бу дунёга фақат насибаланиш учун келмаганларини билиб яшадилар.

Дунёга келгач, ундан бир неча луқма олдилар ва йўллариди давом этдилар.

Ҳайрат

Бир қанча инсон сунъий бир тепаликни ҳайрат билан томоша қилиб турибди. Бошқа бир гуруҳ кишилар эса, баланд бир тўғон соҳилида таърифига сўз тополмай ҳайрон. Яна бир қисми ясама кўзни кўриб ажабланишмоқда.

Сунъий тепалик, тўғон ва ясама кўз... Биз бу кишиларнинг мазкур ҳолатларини ҳақли равишда олқишлаймиз, табриклаймиз.

Аммо ҳақиқий юксак тоғлар, чексиз уммонлар ва... оламни кўриб турган бегубор кўзлар ҳам бор-ку?! Уларга қачон аҳамият берамиз?

Абдуллоҳ МУСЛИМ
тайёрлади.



Мўминжон САИДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳридаги
«Чимир ота» жомеъ масжиди имом-хатиби

ҚЎШНИ МЕРОСХЎР ЭМАСМИКИН?

Шаҳримиздаги маҳаллалардан бирида икки девор-дармиён қўшни бор. Негадир сира муросалари келишмайди. Ҳамма гап чап томондаги қўшнининг янги иморатни ниҳоятда баланд курганидан бошланди. Қурилиш бошланганида нариги қўшни шифохонада даволанаётган эди. Келиб қараса, қўшниси янги уй томини шунчалар баланд кўтариб юборибдики, ҳовлиси худди қафасга ўхшаб, ҳаво юрмай қолибди. Бу иши яхши бўлмаганини қўшнисига ётиғи билан тушунтироқчи бўлган эди, яхшигина ҳақорат эшитди: “Менга ақл ўргатмаган битта сен қолувдинг. Қачондан буён тилинг чиқиб қолди? Уйингда сичқонлар ҳассага суяниб юришибди-ку!”

Шундан кейин ҳангоманинг каттаси бошланиб кетди. Аламзада қўшни бунисининг ўригини кестириб ташлади, “Ҳовлисига соя солиб, экин яхши бўлмаётган эмиш”. Серҳосил дарахтнинг каттагина шохини бесўроқ кесиб юборганидан газабга минган нариги қўшни ўйлаб-нетиб ўтирмай, “Қурилишга халақит беряпти”, деб ҳам-соясиникидан чиққан ариқчани кўмдириб юборди. Энди униси дод-вой солади, “Қрандан тушган сувни қаёққа оқизаман”, деб ҳали оқсоқолни, ҳали участка нозирини қозиликка чақиради. Арзимас баҳонадан, шариатимиз талабларини тушунмасликдан бошланган можаро бора-бора кучайиб, газак олди. Шунча йил аҳил-тотув яшган икки қўшни бир-бирига ёв бўлди-қолди.

Оила бошлиқларининг муросасизлиги бошқаларга ҳам юқди. Қўшни хотинлар бир-бирига ўқрайиб қараб, терсайиб ўтадиган, тўй-маъракаларда бир-биридан узоқда ўтирадиган бўлишди. Болалар ҳам “қараб туришмади”. Баҳона топиб, урушмаган, гижиллашмаган кунлари йўқ. На насихат кор қилади, на оқсоқолларнинг гапига киришади, на қонун ва на шариатни тан олишади.

Мана шундай воқеаларни кўргач, ўйланиб қоласан киши: “Бизга ўзи нима бўляпти, нега одамларимиз қўшничиликнинг минг йиллик одобларини унутиб юборишяпти, муносабатла-

рини динимиз талабларига мувофиқ қура олмай, йиллаб аразлашиб, ёвлашиб юришибди?”

Ислому динимизда қўшничилик муносабатларига, қўшни ҳаққига риоя қилиш масалаларига катта эътибор берилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай буюради: “**Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги кулларингизга яхшилик қилингиз!**” (*Нисо, 37, мазмуни*).

Қўшничилик муносабатлари ҳақида жаноби Пайғамбаримиздан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, қатор ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Ҳазрати Оишадан, розийаллоҳу анҳа, ривоят қилинишича, Жаноби Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳазрати Жаброил қўшни ҳаққига риоя қилиш тўғрисида менга шу қадар кўп васият (топширик) қилдиларки, мен уни ҳатто молимга ҳам меросхўр қилиб қўйсалар керак, деб ўйладим”, дедилар” (*Бухорий ривояти*). Абу Шурайҳ ал-Ҳизоий, раҳматуллоҳи алайҳ, айтадилар: “Ҳар ким Аллоҳ таолога ва Қиёмат кунига ишонса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини ҳурмат қилсин ва ширин сўзли бўлсин”. Абдуллоҳ ибн Аббос Абдуллоҳ ибн Зубайрга, розийаллоҳу анҳума: “Мен Расулulloҳдан: “Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши (чин) мўмин эмасдир”, деган сўзларини эшитдим, дедилар” (*Бухорий ривояти*). Абдуллоҳ ибн Масъуддан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай дедилар: “Аллоҳга қасамки, ҳеч бир банда токи одамлар унинг қалби, тили ва қўлидан омон бўлмагунларича муслим бўлолмайди, токи қўшниси унинг зулм ва ёмонликларидан тинч бўлмагунича мўмин бўлолмайди”.

Қўшничиликнинг ҳам алоҳида ҳақлари бор. Кўпчилик уларни яхши билмайди ёки эътиборсиз юради, қўшни ҳаққига риоя қилмайди, гоҳо

очиқдан-очиқ поймол этади. Оқибатда одамлар орасида аҳиллик, тотувлик йўқолади, жамиятга катта зарар етади. Шариатимизга кўра, қуйидагилар қўшничиликнинг асосий ҳақлари: қўшни қарз ёки бирор нарса сўраса, бериш; чақириб келса, жавоб қилиш; касал бўлса, бориб кўриш; бошига мусибат тушса, гамига шерик бўлиб, кўнглини кўтариш; сафарга кетса, макони ва оила аъзоларини ҳимоя қилиш; ўзи рухсат бермаса, иморатини қўшниникидан баланд курмаслик; диний ва дунёвий масалалардан билмаганларини ўргатиш; унга тили, қўли билан зарар етказмаслик, муҳтож бўлса, қўлдан келганича ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо.

Афсуски, кўп ҳолларда ана шу қўшничилик ҳақлари унутиб қўйилапти. Баъзан қўшни уйда қозон қайнамаётганини билсак ҳам, бир коса овқат илингимиз келмайди. Аллақайдаги бегона одамга ёрдам кўрсатамиз-у, ёнгинамиздаги қиёматли қўшнининг муҳтожлигини кўрмаганга оламиз. Ўзимиз намоз ўқиймиз-у, аммо қўшнимиз умрини ибодатсиз ўтказаятганига ачинмаймиз, уни ҳидоятга чақирмаймиз. Гоҳо гашига тегиб, озор берамиз ёки бирор нарса сўраб чиқса, бор бўлатуриб, қизғанамиз.

Шу ўринда бир ибратли ҳикояни келтириб ўтсам. Абдураҳмон Авзоъий деган бир улуғ зот арафа куни кечқурун уйида ўтирган эди. Кимдир ҳовли эшигини қоқди. Чикиб қараса, остонада камбағал ва серфарзанд қўшниси турибди. Ялиниб, мўлтираб: “Эй қўшни, эртага ҳайит, менинг эса сариқ чақам ҳам йўқ, бир оз пул бериб туролмай-сизми?” деди. Абдураҳмон: “Қани, сўраб кўрай-чи”, дедию эшикни ёппай уйга қайтиб кирди ва хотини билан маслаҳатлашди. Хотини: “Бор-йўғи йигирма беш дирҳам ақчамиз бор, бир қисмини, майли, қўшницага берайлик, қолганини эртага ўзимиз ҳайитлик қиламиз”, деди. “Йўқ, — деди эри, — қўшница ақчанинг ҳаммасини берайлик, шундай қилсак, савобнинг бир қисми барибир бизга ёзилади-ку!”

Салафларимиз, аждодларимиз ана шундай қўшничилик қилишган, унинг ҳаққини тўла адо этишган. Бизлар ҳам қўшничилик муносабатларида шариатимиз талабларига бўйсунимиз, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, кўрсатмаларига биноан иш тутишимиз лозим. Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоят йўлидан адаштирмасин, қўшничилик ҳақларини комил адо этиб, чинакам мўминлардан бўлишни насиб айласин!

ИСЛОМИЙ САРИЁҒ

Саратов вилоятининг Озинки (Русия) шаҳарчасидаги ёғ-мой заводида Ислоннинг барча талаблари ҳисобга олиниб тайёрланган ҳалол ширин сариёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мой ишлаб чиқаришда шариат ҳукмларига риоя этилиши устидан Волгабўйи мусулмонлари диний идораси назорат олиб боради. “Саратовгўштсусаноат” корхонаси бош муҳандиси Фарит Олтинбоевнинг изоҳ беришича, бундай сариёғларни тайёрлашда турли қўшилмалар ва консервантлар ишлатилмайди, чунки маҳсулот шуларсиз ҳам сифатлидир.

Йил бошида Озинкида мусулмонларнинг истеъмол қилишларига ижозат этилган гўшт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ислон кўрсатмасига мувофиқ ҳайвонни электр токи ёрдамида сўйиш тақиқланган. Чунки жонзотларнинг ўлими олди-дан кўркувга тушиши жоиз эмас.

Озинкида чиқарилган чорва маҳсулотлари асосан маҳаллий аҳоли эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган. Ҳозир Саратов вилоятида уч юз минг нафардан зиёд мусулмон истиқомат қилади. Ислоний озиқ-овқат маҳсулотлари Саратов масжидлари ва айрим дўконлар орқали сотилапти.

Андрей Куликов
“Труд-7”, 2003.

“БОТИНДА ҲАЁ БЎЛСА...”

“Аёл — Аллоҳ яратган мўъжизалардан бири... Мусулмон аёл ўз ҳуқуқини англаб олди, бурчини ҳам унутмайди. Ана шу бурчга масъуллик уни эри билан ҳуқуқ талашмасликка, аксинча, Қуръон таълим берган равишдаги онгли итоатга ундайди. Натижада у янада шарафли, янада улуғвор бўлади”.

Ушбу сатрлар “Хуррият” газетининг 23 июл сонидан келтирилди. Муаллиф Марям Эшмухаммедова Ислонда аёлнинг тутган ўрни, унинг оиладаги бурч ва ҳуқуқлари, хотин-қизларнинг илм олишдаги имкониятлари, Ислон дунёсининг шарафли аёллари ҳақида атрофлича сўз юритади.

Газетанинг мазкур сониди Лола Насруллоҳ “Ботинда ҳаё бўлса, нурланар зоҳир” сарлавҳали мақоласида аёл шаънини ҳимоя қилиш, унга зино кўзи билан қарамаслик нафақат аёл, балки бутун жамиятни ҳам нопокликдан асраши, хотин-қизлармизни ҳаёсизликдан, зинокорликдан ҳимоя қилишда эркаклар гурури, кенг карамли бўлишлари зарурлиги ҳақида куюниб ёзади.

“Хуррият”, 2003й. 23 июл

«ҚАРҚУНОҚДАН



Болаларни асрайлик

Биз топганимизни болаларимиз билан баҳам кўраимиз. Уларнинг кўнгли ўксимасин, бошқалардан кам бўлмасин, деймиз. Уларни ўқитиб, касб-хунарли, уйли-жойли қилишни бурч деб биламиз.

Аммо фарзандларимиз камоли учун қилаётган саъй-ҳаракатларимиз баъзан бирёқлама бўлади. Тиниб-тинчимас болалик инсон умрининг беғубор фаслидир. Инсоннинг феъли, табияти, дунёқараши шу даврда шаклланади. Бунга юзаки қараган ота-оналар кўпинча охиروқибат пушаймон бўладилар. Масалан, кўп қаватли иморатлар орасидаги майдончаларда тўйхона-чойхоналар, машиналар учун гаражлар қуриб ташланган. Болаларимиз бўш вақтларида ўйнайдиган жой қолмади ҳисоб. Кундан-кунга ўсиб-улғайиб бораётган бола ҳаракатчан бўлади, елиб-югургиси келади. Бу даврда бола қанчалар сеҳаракат бўлса, шунча соғлом, чайир бўлиб ўсади. Уларнинг бу ҳаракатчанлиги фойдали иш билан боғланса, нур устига нур. Чунки кичкиналигидан фойдали меҳнатга ўрганмаган киши ялқов, ишёқмас бўлиб қолиши мумкин. Ҳар қандай кўникманинг илдизи болаликда эмасми, ахир. Энг ёмони, майдончалар йўқлиги боис болажонлар серқатнов кўчалар юзида ўйнашга мажбур бўлишади.

Ўтган йили ёмғирли кунлардан бирида қўшнимизнинг ўғилчаси энди юраман деб тур-

ган троллейбусга осилиб, оёғи ердан узилмасиданоқ жон берди. Яна бир мисол: қаҳратон қиш кунларининг бирида бир неча болакай енгил машина орқасига осилганча сирпаниб кетаверишган, анча жойгача бориб “тушиб-тушиб” қолишган-у, биттасининг кўли темирга қисилиб, тортиб ололмай, додлаганича кетаверган. Кун совуқ, тезлик катта, ҳайдовчи эшитмаган, билмаган ҳам. Бола бечора ҳушидан кетиб, бармоқларини темир кесиб, узилиб қолган.

Бунга ўхшаш нохуш ҳодисалар айниқса қиш ойларида кўпаяди. Қанча-қанча болакайлар фожиали равишда ҳаётдан кўз юмиб кетишди. Айрим омон қолганлари ҳам майиб-мажруҳ, ногирон. Ҳар кўп қаватли уй олдида, ҳар бир маҳаллада болалар учун махсус ўйингоҳ майдончалари, хиёбонлар очилса, келажагимиз учун кўп фойдали иш бўлар эди.

Бобониёз ҚУРБОН
Собир Раҳимов тумани

«Қарқуноқдан булбул чиқибди»

Ўша кезларда ўн икки яшар бола эдим. Бир-икки ўртоғим билан ўтириб папирос чекаётганимни опам кўриб қолдилар. Кечкурун овқатдан сўнг опам:

— Дада, ўғлингиз папирос чекапти, — дедилар.

Дадам жаҳллари чиқиб, менга шундай қарадиларки... ер ёрилмади, кириб кетмадим. Сўнгра хотиржамлик билан:

— Ўғлим, қарқуноқдан булбул чиқибди-да, — деб кесатдилар. Узоқ вақт бошимни кўтаролмай, мулзам бўлиб ўтириб қолдим.

Дадамга менинг ножўя қили-

гим ғоят оғир таъсир этган эди. Боиси, улар ўн икки ёшдан беш вақт намоз ўқиган ҳалол одам эдилар.

Мана, ҳозир эллик етти ёшга кирдим, аммо ҳали-ҳануз даданинг ўша гаплари кулоғим остида жаранглайди. Эсимга тушса, кўзимга ёш келади. Ундан кўра урганлари яхшироқмиди...

Нега ҳозирги катталарнинг гаплари ёшларга ўшандай таъсир қилмай қўйди экан, биродарлар?!

Нуриддин ТОИРОВ,
Тошкент

Қатиқми ё қаймоқми?

Бекатда турсам, бир онахон олдимга келиб, ялинчоқ овоз билан:

— Қизим, бир бонка қаймоғим қолувди, олгин. Уйга қайтариб олиб кетмай...

— Уйга олиб кетсангиз нима бўлади? — дедим қувлик билан. Боиси қаймоқ олишда кўп марта алданган эдим.

— Янгийўлга кетаман. Болаларимни шу билан боқаман. Уларга ул-бул олайн девдимда, қизим... Агар олсанг, сенга арзон бераман. Қизимга ўхшар экансан.

Онахоннинг гаплари қалбимни юмшатди. Раҳмим келди. Алданган бўлсам, бошқалар алдаган. Бу ёшдаги аёлнинг алдаши мумкин эмас, деб ўйладим. Аммо барибир иккиландим-да:

— Бу бонкадаги қатиқми ёки қаймоқми? — дедим.

Онахонга бу сўзларим оғир ботди, шекилли, афтини ўзгартириб:

— Онанг тенги аёлга шундай дединг-а, қизим. Келиб-келиб оқ нарсани алдаб сотаман-

БУЛЬБУЛ ЧИҚИБДИ”

ми? Худо уради-я! Болаларимнинг ризқини шу билан топанман, ҳаромдан қўрқаман...

Биттасининг алдагани ҳамма қаймоқ сотувчи ҳам ёлғончи, дегани эмас-ку, дедим-да, сотиб олдим. Ҳам унинг ҳожатини чиқармоқчи, ҳам уйдагиларни хурсанд қилмоқчи бўлдим.

Уйга келиб чой ичиш учун ўтирган фарзандларимга пиёлаларда қаймоқ суздим. Не кўз билан кўрайки, атиги ярим пиёла қаймоқ чиқди. Қолганининг ҳатто нималигини билолмадим. (Қатикқа ҳам ўхшамас эди!) Хафа бўлиб ўтириб қолдим. “Унга берган пулим ҳалолми ёки ҳароммиди? Нега алдандим, кимни алдаган эдим?” Бу тахлит саволлар кун бўйи мени қийнади. Онахоннинг сўзларини ҳам узоқ ўйладим.

Аммо бир гапи мени ҳамон ташвишга солади: “Худо уради”. Наҳотки, Худонинг уришини билиб туриб, қўрқмай бир-биримизни алдайдиган бўлиб қолдик? Болаларимизнинг орзиқиб кутган ризқини ёлғон билан рўёга айлантирадиган бўлдик? Наҳотки...

Мархабо,
Тошкент

Шафқат ортидан


Она бўлиш аёл учун энг улур бахт ва масъулиятдир, десам янглишмайман.

Опам ўз фарзанди — янги туққан чақалоғини менга берди. Биламан, дилбандидан кечиш нечоғли оғир. Аммо ҳам жигарлик, ҳам ачиниш туйғуси опамни шундай қилишга мажбур этди. Опам бу воқеалар туйфайли мендан ҳам кўп изтироб чекди.

Чақалоқнинг ширин-ширин ҳидларини искайман. Унинг

чақноқ кўзлари, “инга”лаши, қўл-оёқчаларини типирчилатиб хархаша қилишлари... ҳаммаси менга олам-олам қувонч бағишлар эди. Неча йиллардан буён бундай қувончдан мосуво эдим. Унинг қилиқларига маҳлиё бўлиб, ойлар ўтганини ҳам унутиб қўйибман. Хўжайиним ўғлимиз паҳлавон йигит бўлсин, деб атай бир эчки олиб келдилар. Ўғлимни эчки сути билан боқа бошладик.

Ниҳоят бир куни кутилмаган воқеа содир бўлди. Негадир кўнглим айниб, безовталандим. Дўхтирга борсам, ҳомиладор эканимни айтишди. Мен бу сўзлардан қарахт бўлиб қолдим. Қулоқларимга ишонмасдим. “Наҳотки мен ҳам она бўлсам... Ахир неча йиллар даволандим. Барибир фарзанд кўрмайсан, дейишган эди-ку...” Шу хаёллар билан уйга келдим. Бешиқда пишиллаб ухлаётган ўғлимга тикилиб, ўксиб-ўксиб йиғладим. Қандай қилиб йиғламай, ахир. У бизнинг неча йиллар бўш, ҳувиллаб ётган хонадонимизга бахт олиб кирди. Аллоҳнинг инояти билан, опамнинг менга кўргазган, менинг эса чақалоққа туйганим шафқат ҳисси



туйфайли мен ҳам она бўлдим. Бу кунларга етказганинга шукр, Аллоҳим...

Азиза,
Тошкент

Кимни яхши кўраман?

“Қандай қилиб фарзанд отасини ёки онасини ёмон кўриши мумкин?” деган савол аввалига галати туюлди. Аммо дўстимнинг ҳикоясини тинглаб, бармоғимни тишлаб қолдим...

Қўшни сирдош дўстим вазмин, ўйчан, ақлли бола эди. Бир куни у мендан: “Онангни яхши кўрасанми?” деб сўраб қолди. Мен: “Жудаям... Ҳалигача бағрида ётаман”, дея керилдим. У эса ҳомуза тортди. Сўнгра ўйчан нигоҳларини менга қадаб: “Мен эсам... ундай эмасман. Негагини билмайман, аммо сендай эркалана олмайман, сендай бағрида ётолмайман...” дея жим қолди.

Ишонқирамай тикилиб турган эдим, у хомуш сўзида давом этди: “Шунақа... мен яхши бола эмасман. Онасини суймайдиган бола ҳам бўладими, ахир? Иложига қанча, кўп марта ўзимни мажбурлаб кўрдим, аммо... Мана, сен нега онангни жуда яхши кўрасан? Чунки сенинг онанг уйда бўлар-бўлмасга жанжал қилавермайди. Далангни хурмат қилади. Менинг отам эса, онамнинг хархашаларидан сиқилиб адои тамом бўляптилар. Ҳали у кам, ҳали бу кам... Отамни яхши кўраман. Кўп сиқилаверсалар, касал бўлишлари, ҳатто ўлиб қолишлари мумкин. Кейин мен кимни яхши кўраман?”

Дўстимнинг бу ҳикоясидан сўнг катталарга шундай деб хайқиргим келди: “Азиз ота-оналар, бир-бирларингизга меҳр-шафқатли бўлингиз, ҳуда-беҳуда жанжаллашавермангиз, болаларингиз олдида обрўларингизни кетказмангиз. Акс ҳолда, улар сизларни ёмон кўриб қолишлари мумкин...”

Улугбек,
ўқувчи, Чиноз

«ИҚРОРЛИГИМНИ ЁЗИБ ОЛ...»

Ҳинд алломаси Иноятуллоҳ ал-Машриқий Фарбада катта шухрат қозонган. Номзодини

Нобел мукофотига тавсия этишганида рад қилган.

У Куръони каримнинг илмий мўъжизаларидан таъсирланган инглиз олими Жеймс Женд ҳақида қуйидаги ажойиб ҳикояни сўзлаб берган экан:

“Минг тўққиз юз тўққизинчи йил. Якшанба куни эди чоғи.

Шаррос ёмғир қуярди. Бир юмуш билан уйдан чиқдим. Шу пайт кўчада Кембриж университетининг устози, машҳур фалакшунос олим Жеймс Женднинг черковга келаётганини кўриб қолдим. Кўлтигига Инжил ва шамсиясини қистириб олибди. Унга яқин бориб салом бердим.

Жавоб қилмади. Яна салом бердим. У ўйчан тикилиб турди: “Мендан нима истайсан?” деди. Мен: “Сизга икки саволим бор, жаноб. Биринчидан, шундай кучли ёмғирда нега шамсиянгни ишлатмаётганингни билмоқчийдим”, дедим. Сэр Жеймс табассум қилиб, тезда шамсиясини очди. “Иккинчи саволим шуки, оламга машҳур сиздай олимни черковга қатнашга нима мажбур қилади?” деб сўрадим. Бу саволимга сэр Жеймс жавоб беролмай, бир оз ўйланиб қолди. Сўнгра: “Бугун кечқурун мен билан чой ичсангиз”, деб уйига таклиф қилиб қолди.

Оқшом тушгач, олимнинг уйига бордим. Уй бекаси эшик олдида қаршилаб, сэр Жеймс мени кутаётганини айтди.

Хонага кириб, устига чой кўйилган столчага тикилганича хаёлларига фарқ бўлиб ўтирган профессорни кўрдим. У менинг кирганимни пайқаб: “Боя нима ҳақда сўровдинг?” деди. Жавобимни кутмаёқ самовий жисм-

ларнинг тузилиши, уларнинг муқаррар низоми, чексизлиги, жозибияти ва кишини лол қолдирувчи нурлар тўфони ҳақида маъруза қила кетди. Унинг сўзларини тинглаб эканман, Аллоҳнинг ҳайбати жалолатидан қалбим ларзага келганини ҳис этдим.

Сэр Жеймс бўлса, сочлари тиккайган ҳолатда, кўзларидан дув-дув ёш оқизиб, Аллоҳдан кўрқув туфайли қўллари титраб ўтирар эди. Бирдан у менга ўгирилиб гапира бошлади:

— Эй Иноятуллоҳ! Аллоҳ махлуқларининг ажойиблигига назар солсам, илоҳий жалолатдан вужудим қалт-қалт титрайди. Аллоҳга илтижо этиб, “Сен улугсан!” деганимда бу дуони бутун борлигим қувватлаётганини ҳис қиламан. Улуғ бир саодат ва ажиб бир таскин шууримни чулғайди, ўзимни дунёда энг бахтиёрларнинг ҳам бахтлиси каби ҳис этаман. Иноятуллоҳ, нега черковга қатнаётганимни энди тушунгандирсан?

Бу суҳбат онгимда галаён пайдо қилган эди. Мен суҳбатдошимга шундай дедим:

— Эй жаноб, менга сўзлаб берган илмий тафсилотларингиздан гоят қаттиқ таъсирландим. Шу боис Куръони каримнинг бир ояти ёдимга келди. Ижозат берсангиз, сизга ҳам ўқиб берсам...

— Хурсанд бўлардим, — дея бош силкиди у.

Мен оятни ўқий бошладим:

— «...**Яна тоғлардан ҳам оқ, қизил — ранго-ранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) ҳам бордир. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўркур...**» (Фотир, 27–28, мазмуни).

Шу жумлаларни ўқиганимда сэр Жеймс баралла қичқириб юборди:

— Нима дединг?! «**Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўркур...**» Даҳшат, фаройиб, жудаям ажойиб!!! Бу эллик йиллик ўрганиш ва мушоҳадаларимнинг исботи-ку! Куръонда чинданам шундай оят борми? Агар шундай бўлса, менинг иқрорлигимни ёзиб ол, Иноятуллоҳ: Куръон албатта Аллоҳ томонидан ваҳий қилингандир!

Мубашшир АҲМАД
таржимаси

Бир гал машриқ сафарида мўлжаллагидан узоқ муддат — тўққиз ой қолиб кетдим. Уйда қолган қизларимдан ташвишлана бошладим: “Тинчликмикан? Оиламинг тирикчилиги нима бўлдиёкан? Қийналиб қолишмадимикан?” деган ўйлар хаёлимни буткул банд қилиб қўйди.

«Эй жоҳил нафс! Агар қизларингнинг таълим-тарбиясига қараб турадиган аканг ёки уканг бўлганида, уларни ёмон кўздан сақлайдиган қиблагоҳинг бўлганида, улар ҳақида ташвишга тушиб кўрққан бўлармидинг?! Йўқ. Ҳолбуки қизларингни тарбия қилишда, муҳофаза қилишда улардан устунроқ бўлган Аллоҳ борку! Сен уларнинг ёнида



имондир. Дуо имон тақозосидир. Шундай экан, мўмин киши Аллоҳга тазарруъ этиб, дуо қилиши, катта ёки кичик ҳожатларини раво этишини Ундангина сўраши лозим. Дуо айни ибодатдир.

Дуо деганда жарангдор сўзлар, минбарларда хатиблар айтадиган жимжимадор иборалар, ижобат бўлишидан кўра кўпроқ ёдлаб олиш, одамларни ҳайратга солиш ирода қилинган сўзлар тушунилмайди. Бундай дуолар худди телефон ёки магнитофон тасмасига ёзилиб, жонсиз карнайдан чиқаётган садоларга ўхшайди. Аслида, дуо қалбнинг дуога ҳозир у нозир бўлишидан, дуоғўйнинг ожизу заифлиги ва том ихлосининг пай-

Али ТАНТОВИЙ

ХОТИРЖАМЛИК МАНБАИ

бўлсанг ҳам, уларга Аллоҳнинг иродаси билан мусибат етса, даф қила олармидинг? Яъни, сенинг борлигинг уларни мусибатдан асрай олмаганидек, сенинг уйда йўқлигинг ҳам бунчалик ташвишингга боис эмас. Бинобарин, уларни Аллоҳга топшир».

Бу ички нидодан сўнг қалбимга бирдан хотиржамлик инди.

Яна бир куни мушкул бир муаммо қаршимда кўндаланг бўлди. Ундан халос бўлиш йўллари қидира бошладим. Туни билан кўзимга уйқу келмади. Эртага бўладиган ишдан хаёлим паришон эди. Шу он яна ичимда имон сас берди:

«Сен ўз ишингнинг бошқарувчисимсан? Эртанги кун ташвишларини ҳам елкангга ортмоқлаб олибсан, худди сендан бошқа сенинг ишингни бошқарувчи йўқдай. У ҳолда онангнинг қорнидан ер юзига бир парча

гўшт ҳолатида тушганингда, онгсиз, шуурсиз, нутқсиз, кичкина ўрмаловчидан ҳам ўзини ҳимоя қила олмайдиган пайтингда ким сенинг ишингни бошқарган! Ундан ҳам олдинроқ ҳали ҳомила пайтингда сени тарбия қилган, кейинчалик гўдаклик лаҳзаларингда ҳар бир ҳолингга мувофиқ ва муносиб эҳтиёжларингни таъминлаб турган ким эди?! Сени шу қадар асраб-авайлаб парваришлаган, кейин ҳам ҳар бир ишингнинг тадбирини кўрган зот — Аллоҳ наҳот энди сени ҳимоясиз, ўз ҳолингга ташлаб қўйса?! Зеро, ушбу ваҳима ва таҳликаларинг жоҳилликдан бошқа нарса эмас.

Шу сасни туйганимдан кейин гўё елкандаги оғир юк кулаб тушгандек бўлди ва хотиржам уйқуга кетдим.

Бу икки ҳодиса баҳона ҳаққол яқийн билдимки, хотиржамликнинг танҳо манбаи

до бўлишидан келиб чиқади. Кўпинча авом тилида айтилган, одамларни таажжубга солмайдиган, уларни ҳайратлантирмайдиган, жимжимадор сўзлардан холи дуолар ихлос ва дуоғўйнинг ожизу заифлиги туфайли тўғридан-тўғри мустажоб бўлаверади.

Агар сиз солиҳ инсонлар суҳбатида ва дуоларида бирга бўлсангиз, уларнинг ҳар бир куни қадр кечаси эканини кўрасиз. Уларнинг суҳбатидан нафс роҳатию руҳ лаззатидан бошқа нарса топа олмасангиз ҳам, шунинг ўзи кифоя қилади. Улар билан бирга бўлишда Аллоҳ розилигига эришсангиз ва бошқа саодатларни ҳам қўлга киритсангиз, бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?

“Равоий ат-Тантовий” китобидан

Мансуралӣ АРАББОЕВ

таржимаси

УММУ КУЛСУМ

(Али ибн Абу Толиб қизлари)

«Ё Али! Уни менга никоҳла. Аллоҳга қасамки, унинг суҳбатини менчалик орзу қилган бошқа ҳеч ким йўқдир».

Умар ибн Хаттоб, р.а.

«Расулulloҳнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни менинг насабим ва ақрабolarимдан бошқа насаб ва қариндошлик кесикдир», деб айтганларини эшитдим. Исломга кириш ва қизимни Аллоҳ расулига бериш билан унга қариндош бўлдим. Бу қариндошликни унинг наслидан қиз олиб, куёв бўлиш билан мустаҳкам қилмоқчиман».

Умар ибн Хаттоб, р.а.

Туғилиши

Фотимаи Заҳродан, розийаллоҳу анҳа, жуда гўзал бир қиз чақалоқ дунёга келганида Али, розийаллоҳу анҳу, Маккадан узокда, сафарда эди. Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи ва саллам, суюклик қизларининг кўзи ёриганини эшитиб, келдилар. Эсон-омон қутулгани билан қутлаб, таскин берувчи, умидбахш сўзлар айтдилар. Яхши ният билан чақалоққа холаси Умму Кулсумнинг исмини қўйдилар.

Расулulloҳ шарафли қўллари билан гўдакни силаб, Аллоҳ таолодан бу қизни муборак этишини сўраб дуо қилдилар.

Сафардан қайтган Али завжаси бир қиз туққанини ва чақалоққа Пайғамбар, алайҳиссалом, исм қўйганларини эшитиб, жуда севинди.

Ойлар, йиллар ўтгани сари қизалоқ ўсиб-улгайиб, хулқи ҳам, гўзаллиги ҳам ортиб борди. У ҳали ўн ёшга тўлмаётган туриб бобоси вафот этдилар.

Мўминлар амирига никоҳланиши

Умму Кулсум болалигиданоқ жуда босиқ табиатли ва балоғат билан сўзлаш қобилиятига эга эди. Кичкина бўлишига қарамай, қувватли имон соҳиби эди. Унинг

фазилатлари таърифи халифа Умар ибн Хаттобнинг қулоғига етди. Ҳазрати Умар анчадан бери Расулulloҳга, соллalloҳу алайҳи ва саллам, куёв бўлиш орзуида юрар эдилар. Шунинг учун Ҳазрати Алидан Умму Кулсумнинг қўлини сўраш учун қулай фурсат пойлай бошладилар.

* * *

Умар ибн Хаттоб мусулмонларнинг муаммоларида кўпинча Алининг, розийаллоҳу анҳу, ҳукм чиқаришларини сўрар эдилар. Чунки Алининг тақвоси, билимдонлиги ва фикҳдаги чуқур илмига ишонар эдилар.

Бир куни навбатдаги мажлисдан сўнг Али кетмоқчи бўлганларида Умар ибн Хаттоб уни тўхтатиб:

— Сенда хусусий бир ишим бор эди, ё Али! — дедилар.

Ҳамма тарқалгач, икковлари ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Умму Кулсумни менга никоҳлаб беришингни сўрайман.

— У ҳали жуда ёш...

— Уни менга никоҳла, ё Али! Аллоҳга қасамки унинг суҳбатини менчалик орзу қиладиган бошқа ҳеч ким йўқдир.

— У ҳолда қизимни ҳузурингизга юборай. Агар рози бўлсангиз, уни сизга никоҳлаб берман.

* * *

Ҳазрати Али уйига келгач, қизлари Умму Кулсумни чақирдилар. Унга бир ҳирқани бериб, шундай дедилар:

— Бу ҳирқани мўминларнинг амири Хаттоб ўғли Умарга олиб бор ва унга, отам сизга айтган ҳирқа мана шу, дегин.

Умму Кулсум ҳирқани олиб, Умар ибн Хаттобнинг ҳузурларига келди. Изн сўраб ичкари кирди ва отаси тайинлаган гапларни айтди. Асл кўзланган мақсаддан у ҳали беҳабар эди.

Умар ибн Хаттоб қувониб:

— Бу ҳирқани мен қабул этганимни, рози бўлганимни отангга айтгин, — дедилар.

* * *

Умар ибн Хаттоб уйларида чиқиб, Расулulloҳнинг, соллalloҳу алайҳи ва саллам, масжидларидаги қабр билан минбар оралиғига — муҳожирлар мажлис курадиган жойга келдилар. Бу ерда ҳар доим саҳобалар йиғилишар эди.

Умар ибн Хаттоб келганларида ҳали ҳеч ким йўқ эди. Бирин-кетин асҳоби киром кела бошлашди. Биринчи бўлиб Али ибн Абу Толиб, кейин Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ ва Абдураҳмон ибн Авф келишди. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин.

Ҳамма йиғилганидан сўнг Умар ибн Хаттоб:

— Менга бахт тиланглр... Мени табрикланглр, — дедилар.

— Кимга уйланыпсиз, ё амирал муъминин! — деб сўрашди.

— Абу Толибнинг ўғли Алининг қизига. Мен Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат куни менинг насабим ва ақрабоимдан бошқа насаб ва қариндошлик кесикдир”, дея айтганларини эшитганман. Исломга кириш ва қизимни Аллоҳ расулига бериш билан унга қариндош бўлдим. Бу қариндошликни унинг наслидан қиз олиб, куёв бўлиш билан мустақкам қилмоқчиман, — дедилар Умар ибн Хаттоб.

Йиғилганлар Ҳазрати Умарни табриклар, хайру саодат тиллашди. Умму Кулсумга қирқ минг дирхам маҳр берилди.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб бу никоҳдан жуда улуг, шарафли ғоя ва мақсадни кўзлаган эдилар.

* * *

Умму Кулсум, розийаллоҳу анҳа, мўминларнинг амири Умар ибн Хаттобнинг хонадонларида итоатли, вафодор завжа бўлиб яшади.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб шижоати, оила эҳтиёжини таъминлашда адолати, мусулмонлар молларига нисбатан жуда эҳтиёткорлиги билан машҳур эдилар.

Умму Кулсум ҳам мустақкам имон ва ахлоқ соҳибаси эди. Болаликдан фазилатли тарбия кўриб улғайган. Шу боис Ҳазрати Умарнинг аҳволини жуда яхши англр, ҳар бир вазиятга рози бўлиб, асло нолимас эди.

Кунлардан бир куни ундаги қаноат ва итоат даражасини очик кўрсатувчи воқеа содир бўлди. Умму Кулсум халифадан берухсат Рум императори Ҳирақлнинг завжасига бир ҳадя юборди. Чопардан ҳадяни олган Рум маликаси хизматчиларни ва сарой аёлларини йиғди. Уларга: “Бу ҳадя мусулмонлар халифасининг завжаси ва пайғамбарнинг набирасидандир. Мен ҳам унга бир

совға юбормоқчиман”, деди. Сўнг Умму Кулсумга миннадорлик билдириб мактуб ёзди ва кўп совға-саломлар жўнатди. Тухфалар орасида бир қимматбаҳо мунчоқ ҳам бор эди. Чопар Мадинаи мунавварага келгач, мактуб ва совғаларни Ҳазрати Умарга топширди. Ҳазрати Умар Умму Кулсумни берухсат бундай иш қилгани учун койидилар. Сўнгра бир кишига “Намозга шошилинг!” деб одамларни чақиришни буюрдилар. Чақириқни эшитганлар муҳим бир иш борлигини билиб, тўплана бошлашди. Умар уларга икки ракат намоз ўқиттирдилар. Аллоҳ таолога ҳамду сано айтгач, қавмга юзланиб:

— Оиламга оид ишларнинг мандан берухсат қилинган қисмларида хайр йўқдир, — дедилар ва бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердилар. Мунчоқни нима қилиш ҳақида маслаҳат сўрадилар.

Бир гуруҳ одамлар:

— Мунчоқ Умму Кулсумга оид нарса эвазига юборилгани учун уники бўлиши лозим. Император Ҳирақлнинг завжаси зиммий эмаски, сизга хуш кўриниш учун совға юборса ёки сизнинг қўл остингизда эмаски, сиздан кўрқанидан юборса, — дейишди.

Бошқа бир гуруҳга эса:

— Биз ҳам эвазига бир нарса беришини истаб, бировга кўйлак ҳадя этамиз ёки сотиб, пулини олиш учун бировга кўйлак юборамиз. Бу ҳолат ҳам шунга ўхшаш бир нарса, — дейишди.

Умар, розийаллоҳу анҳу, ҳамманинг фикрини олгач:

— Сўзларингиз тўғри. Аммо элчи мусулмонлар элчиси, чопар уларнинг чопари, — дедилар ва ҳадяни Байтулмолга топширишга амр этдилар.

Умар, розийаллоҳу анҳу, ўта адолатли ва доимо умматнинг ғамини ўйловчи халифа бўлганидек, оиласининг барқарорлиги, хузур-ҳаловати ва фаровонлигини ҳам сақловчи киши эдилар. Шунинг учун ўзларининг хусусий молларидан ҳадя миқдо-

рича нафақа ажратиб, завжаларига бердилар.

* * *

Умму Кулсум Ҳазрати Умардан бир ўғил ва бир қиз фарзанд кўрди. Ўғилнинг исми Зайд ибн Умар, қизнинг исми Руқаййа эди. Хайрли бўлишини орзу қилиб, унга холасининг исми берилган эди. Умму Кулсум фарзандларининг гўзал тарбия кўриб улғайишлари учун ғайрат қилди ва бунга муваффақ бўлди.

Бева аёл

Ҳазрати Умар шаҳид қилинганда Умму Кулсум аччиқ изтироб чекди. Бир куни икки биродари Ҳасан ва Ҳусайн, розийаллоҳу анҳума, унинг қошига келиб:

— Сен мусулмон аёлларнинг саййидасан. Бундан кейинги ишларни отамизга қолдирсанг, валлоҳи, сени етимларидан бирига никоҳлайди. Аммо сен бой кишига турмушга чиқмоқчи бўлсанг, муҳаққақ, бу ишнинг уддасидан чиқа оласан, — дейишди.

Улар бу сўзлари билан Умму Кулсумни ўз фикрига кўра мустақил ҳаракат қилишга чақиришаётган эди. Бундай қилишларининг ўзига хос сабаблари бор, оталарининг уйида яширинча Умму Кулсумнинг тўйига тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида эшипиб қолишган эди. Буни кутмаган Умму Кулсум ўйланиб қолди. Шу пайт Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, кўлларида асо билан ичкарига кирдилар.

Ўғиллари дарҳол салом бериб, қарши олишди. Уйнинг тўрига ўтқазиди. Ҳазрати Али Аллоҳ таолога ҳамду сано айтганидан сўнг:

— Эй Фотиманинг ўғиллари! Сизларни қанчалик севишимни биласизлар. Менинг олдимдаги даражаларингиз улугдир. Чунки сизлар Аллоҳ расулининг набираларисиз, — дедилар.

(Давоми 26-бетда)

Инсоният ниҳоятда изтиробли ва муҳим бир муаммо олдида турибди. Бу касб-кор масаласи, инсоннинг саодатли ёки бадбахт бўлишидаги унинг ўрнини англаш муаммосидир. Касб ризқ манбаи бўлганидан, аввало, унинг ҳалол ё ҳаром эканини билиш ло-

Пок банда даражасининг аввали ўлим олдида аён бўлади. Барро ибн Озибдан, розийаллоху анху, Имом Аҳмад (*“Муснад”*) ва Абу Довуд ривоят қиладилар: “Мўмин бандга Раҳмоннинг фаришталари оппоқ ёруғ юз билан келиб, унинг нигоҳи етгулик жойда туришади ва ўлим фариш-

Модомики аҳвол шунчалик оғир экан, Аллоҳга қасамки, биз бечораликни унутмай юришимиз, қийин бўлса ҳам, ҳалол касб қилишимиз керак. Ҳар қанча бойиб кетсак ҳам, ўзимизни камтар, ҳақир, мискин ҳис этишимиз зарур.


Аллоҳга қасамки, бойлиги-

Абдур-Таввоб Муҳаммад ибн ШАФИҚ

ХАЛҚУМИНГИЗНИ ПОКЛАНГ

зим. Касби ҳаром бўлган, ҳаром таом еб кун кўраётган одамнинг тоати-ибодати қабул бўлмайди. Ҳаром касб қилиш Аллоҳ таолодан узилиш демакдир. Аллоҳдан алоқаси кесилган одам қандай яшайди?! Аллоҳга алоқадор турганимизда хаста бўлсак, шифо сўраймиз, У шифо беради, муҳтож бўлсак, арзимизни етказамиз ва бизни бу муҳтожликдан қутқаради. Бундай алоқадорлик бизнинг саодатимиз эмасми? Агар инсон ҳаром нарсани истеъмол қилиб, Парвардигоридан узилиб қолса, унинг дунё ва охирадаги аҳволи жуда ёмон бўлади.

“Поклик” сўзи яхши сўз. Аммо унинг қаршисида “ифлослик” деган ёмон сўз ҳам турибди. Аллоҳ покликка чақиради, фақат пок бандаларни ёқлайди. У пок мўминлар учун жаннатини ҳозирлаб қўйган. Унда ҳалол бандаларни жам қилади. Ифлослар учун эса, бошқа бир жой тайёрлаганки, унинг номи жаҳаннамдир. Унда ҳамма нопок нарсалар тўпланган.




таси шундай дейди: **“Эй нафси покиза инсон, сен руҳи райҳон бўлиб чиқ, сенга ғазаб қилмайдиган, меҳрибон Парвардигоринг хузурига борасан, чиқ!”** (Бу ҳол мўмин бандга биринчи башорат ва бундай муомала мўмин бандаларгагина қилинади). Аммо бузуқ, ифлос бандга: **“Эй ифлосу нопок нафс, Аллоҳнинг ғазабигаю қаҳрига чиқ!”** дейилади”.

миз ошиб-тошиб кетганда ҳам, ҳалолда турсакгина фойда кўрамиз. Акс ҳолда, оқ сурпга ўралган кунимизда бойликларимиз нима ҳам қилиб бера олади? Бизга ҳаромдан топилган молларимиз ва давлатимиз миқдорича азоб юборилса, у пайтда нимани орзу қилиб қоламиз? Турган гап: “Қани энди шу молларни, давлатни кўрмаган бўлсам эди!” деб қоламиз, Аллоҳ асрасин.

Ҳа, инсон умрининг аввали йиғи, ўртаси машаққат, охири эса ўлимдир. Давлатнинг ҳалоли ҳам ҳисобли, ҳароми эса, азоб-уқубат! Ҳазрати Али, каррамаллоху важ-

ҳаху, айтганлар: “Кимки ҳаромдан бош тортса, меҳнати ортади, кимки унга муҳтож бўлса, умри хафагарчиликда кечади”.

Инобат АБДУМЎМИН
қизи
тайёрлади.



ТАЖВИДДАН СИНОВ ДАВОМ ЭТАДИ

37. Табиий мад ҳолатида мад ҳарфи қанча чўзилади?

- A) Олти алиф миқдорича.
- B) Беш алиф миқдорича.
- C) Тўрт алиф миқдорича.
- D) Уч алиф миқдорича.
- E) Бир алиф миқдорича.

38. Мад ҳарфидан кейин келган “ҳамза” белгиси бошқа сўзда келса, яъни, бошқа сўзнинг бош ҳарфи бўлиб келса, бу ҳолат нима деб аталади?

- A) Мад ориз.
- B) Мад лин ориз.
- C) Мад мунфасил.
- D) Мад мутгасил.
- E) Мад табиий.

39. Қуйидаги ҳарфларнинг қайси бирида “лозим мад” (мад лозим) ҳолати юзага келиши мумкин?

- A) ط (طاء) — ى (ياء)
- B) ا (الف) — ح (حاء)
- C) ف (فاء) — ز (زا)
- D) ت (تاء) — ر (را)
- E) م (ميم) — ق (قاف)

40. Мад ҳарфидан кейин ориз суқун келса, бу ҳолат нима деб номланади?

- A) Ориз мад.
- B) Лозим мад.
- C) Мутгасил мад.
- D) Изҳор шафавиййа.
- E) Ихфо.

41. «Лин» сўзнинг луғавий маъноси:

- A) Ўрта.
- B) Паст.
- C) Қаттиқ.
- D) Семиз.
- E) Юмшоқ

42. Мад лин ориз ҳолати қандай юзага келади?

- A) Мад ҳарфидан кейин лозим суқун келиши керак.
- B) Мад ҳарфидан кейин изҳор ҳарфи келиши керак.
- C) Сабаби маддан сўнг қалқала ҳарфи келиши керак.
- D) Мад ҳарфидан кейин яна битта мад ҳарфи келиши керак.
- E) Тўғри жавоб йўқ.

43.
$$\text{أَمَّا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ}$$

Ушбу ояти каримада келган мад қоидалари:

- A) Табиий мад, ориз мад, мутгасил мад.
- B) Мад лин лозим, ориз мад.
- C) Мунфасил мад, ориз мад, табиий мад.
- D) Лозим мад, мад лин ориз.
- E) Мад турларининг барчаси.

44. «الله» лафзидаги ташдидли иккинчи «лом» ҳарфи тепасидаги фатҳа белгиси ўзидан аввалги ҳаракатли ҳарф қандай бўлганида «о» товуши билан ўқилади?

- A) Фатҳали ёки заммали бўлса.
- B) Касрали бўлса.
- C) Ташдидли ёки суқунли бўлса.
- D) Истефола ҳарфларидан бўлса.
- E) Изҳор ҳарфларидан бўлса.

Акмал АВАЗ
тузди.

АТ-ТАНУҲИЙ

ГУВОҲ

Ҳикоя

Саховати билан танилган Амир ар-Расибий мулозимларига зиёфат бермоқда эди. Давра аҳли гап-сўзсиз тановул билан машгул бир пайтда улкан мис товоқ кўтарган хизматчи кириб келди. Товоқдан қуюқ буг ва димоқни қитиқловчи ёқимли ҳид тараларди. Шу асно даврада бир жонланиш бўлди.

Мис товоқ Амирнинг олдига қўйилди. Амир мийиғида қулимсираб, йиғилганларни бир қур кўздан ўтказди-да, кўп маҳтал қилмай, рухсат маъносида бош ирғади. Қовурилган беданалар қўлма-қўл узатила бошланди. Амир Расибий ҳам бир беданани қўлига олиб, пойгакда тамшаниб турган шопмўйловга отди:

— Жобир, ушла!..

Жобир мушукдай илиб оларкан, дарҳол туриб таъзим қилди:

— Қуллуқ, амир жаноблари!..

— Ош бўлсин! — деди Амир илжайиб, кейин созандаларга юзланди. — Машшоқларнинг машқи пастми, дейман!..

— Шундай, шундай, — дея қувватлади давра аҳли.

Машшоқлар мусиқа бошлашаркан, этакдан кимнингдир ҳиринглаб кулиши ҳамманинг диққатини тортди. Кулаётган Жобир эди.

Амир Расибий Жобир тарафга нохушроқ қараб қўйди. Бироқ, у буни пайқамади.

— Ҳа, Жобир, шайтонинг кўзидими, дейман! Кулгили гап бўлмади чоғи!..

— Узр, амир жаноблари!.. Манови бедана кулгимни қис-татди... — Гапини тугатмай яна хоҳолаб кулиб юборди Жобир.

Амирнинг қовоғи баттар уюлди. Машшоқлар куйлашдан тўхташди. Жимлик чўкди. Амир даврани совутмаслик учунми, ҳазиломуз деди:

— Шунчалик кулгили экан,

бизни ҳам огоҳ эт. Биз ҳам қулайлик. Нима дединглар?!'

— Албатта, албатта!.. — деган пичингли хитоблар эшитилди.

— Амир жаноблари! — Жобир қўлидаги беданани қўйиб, давом этди: — Бу воқеа босартусаримни билмай юрган пайтларим бўлган эди... Бир қуни овлоқ тоғ йўлидан кетаётсам, бир шўринг қурғур учраб қолди. “Тўхта!” дея ўшқирган эдим, тўхтади. “Ҳамёнингни чиқар!” десам, миқ этмай чиқариб берди. Қарасам, чўғи камроқ. “Яна борми?” десам, “Бори шу эди”, дейди. У ҳолда кийимларингни еч, дедим. Яна индамасдан ечинди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди, чунки қўлимда исфахоний ханжар ярқираб турарди... Хуллас, битта иштонда қолди. “Энди бор, кет!” дедим. Кетди.

Ҳалиги киши кегиб бораркан, юрагимга гулгула тушди. “Нега миқ этмади?! Дод-вой солмади!.. Демак, бир балоси бор. Ҳозир шерикларини бошлаб келади-да, додимни беради”. Орқасидан: “Тўхта!” деб чолдим. Индамай кутиб турди шўринг қурғур. Лекин важоҳатимдан энди тамом бўлишини билдими, дағ-дағ титроққа тушди. “Ҳамёнимни олдинг, кийимларимни олдинг, яна менда нима қасдинг бор!.. Мени қўй энди, йўлимга кетай”, дея ёлвора бошлади. “Менинг сендамас, сенинг менда қасдинг бўлиши мумкин, сени ўлдираман”, дедим... Кейин нима бўлди денг, ҳалиги бечора атрофга аланглай бошлади, қани энди бирор зог кўринсаю уни чанғалимдан қутқариб олса!.. — Жобир қиқирлаб кулди. — Бир пайт яқиндаги ўнгирда юрган беданага кўзи тушиб қолди бечоранинг. Ушанга қараб бақариб кетса бўладими!.. “Ҳов, бедана, кўриб қўй, мени бегуноҳдан-бегуноҳ ўлдиришяпти. Аллоҳ олдида сен гувоҳ бўлгин!”

Унинг бу гапидан кула-кула, шу ернинг ўзида жонини олдим ва йўлимда давом этдим...

Жобир сўзини тугатган пайтда Амир ар-Расибий қаршисида турган беданага тикилган қўйи оғир хаёлга ботиб ўтирарди. Амирнинг бу ҳолатидан давра аҳлининг нафаси ичига тушиб кетди. Фақат лақма Жобиргина қалтис вазиятни фаҳламай, лақиллашда давом этарди:

— Ишонсангиз, амир жаноблари, бу гап аллақачонлар эсимдан чиқиб кетган эди. Ҳозир манавини кўришим билан лоп этиб эсимга тушди-да, кулиб юбордим. Ростданам кулгиси қистайди одамнинг, шундай эмасми, амир жаноблари? Ҳеч бир замонда тилсиз бедана ҳам гувоҳлик бера олармиди?!

Амир бошини кўтариб, унга қаҳрли нигоҳини қадади.

— Гувоҳлик бериб турибди-ку!

Жобир Амирнинг авзойидан довдирарди.

— Қўйсангиз-чи, амир жаноблари, қандай қилиб тилсиз, забонсиз жонивор...

— Аллақачон гувоҳлик бериб бўлди!.. Биз сенинг қароқчилигингни кечирган эдик. Лекин қотиллигингни Аллоҳ кечирмаган экан. Мана, мендек бир қули олдида сени қотиллигинга иқрор қилди!

— Амир жаноблари, мени кечиринг, мен...

— Аллоҳ кечирмаганидан кейин менинг иложим йўқ!.. Жаллод!

Икки барзанги йигит кириб фоз туришди.

— Буни олиб чиқиб, бошини танидан жудо қилинг!

Жобирни доллатиб олиб чиқиб кетдилар. Амир дастурхонга тикилганича жим қолди. Сукунат. Орадан бир-икки лаҳза ўтгач, аллақадердан бедана сайроғи эшитилгандай бўлди ва Амирнинг чехраси хиёл ёришди.

Ўрисчадан
Орзиқул ЭРҒАШ
таржимаси

Турсунбой АДАШБОЕВ

Олтин ёлли тулпор қиссаси

Олабуқа қишлоғидан
 Ўн чақирим нарида,
 Чотқол тизма тоғларининг
 Этагида — барида
 Булутларга манзил бўлиб
 Тулпор кўли жойлашган.
 Булбул, майна баҳор ва ёз
 Уни макон айлашган.
 Баландлиги ер сатҳидан
 Минг қулочча юқори.
 Кўрган кўзни қамаштирар
 Салобати, виқори.
 Қизил, сариқ ва тимқора —
 Уч хил лола ўсади.
 Тўрт тарафин арчазорлар
 Киприк мисол тўсади.
 Ушбу эртак момолардан
 Мерос бўлиб қолгандир.
 Ақллар тинглаб мудом
 Ўрнак, ибрат олгандир.

Овулдош дўстим Арим Акбаралиевга

Қунлар бир-бир ўтаверди,
 Ўн икки бор ой туғди.
 Баҳор чоғи тўриқ байтал
 Олтин ёлли той туғди.
 Бу овоза тез орада
 Овул бўйлаб тарқалди.
 Қўшиб-чатди кўрганлар ҳам,
 Газак олди, фарқ олди.

Тулпоркўлга жўнаб қолди,
 Ўзга йўлга қайрилмай.
 Олтин ёлли тойчоқ чопар
 Онасидан айрилмай.
 Авжи пешин, атроф сокин
 Кўлда ошuftа ҳолат.
 Ёзди шошиб чакмонни
 Олиб-олмай таҳорат.
 Чол шунчаки, номига
 Намоз ўқиб ўтирар.
 Олтин ёлли от ташвиши
 Юрагини ўпирар.
 Тоғу тошлар янграб кетди
 Шу маҳал шовқин-сасдан.
 Айғир тўғри ўтиб борди
 Байтални айланмасдан.
 Тўнғирчоқлаб ўқтин-ўқтин
 Депсиниб кишнаганча,
 Олтин ёлли қулунни у
 Елкадан тишлаганча,



Бир чол Чотқол тарафлардан
 Овул томон келаркан,
 Айтиб билган қўшиғини
 Байталида еларкан,
 Тулпоркўлга дуч келдию
 Айни пешин чоғида.
 Уловига дам берди у
 Ям-яшил қирғоғида.
 Майса узра чакмонини
 Аста ёзиб ташлади.
 Кўнгилда чин ихлос билан
 Намоз ўқий бошлади.
 Шу пайт кўлнинг ўртасидан
 Олтин ёлли от чиқиб,
 Кўзни очиб-юмгунчайин
 Соҳил томон бот чиқиб,
 Кўкка сапчиб пишқирувди
 Кўзи ёниб, шайланиб,
 Бўз байталнинг атрофидан
 Ўтди уч бор айланиб.
 Кишноғига тоғу тошлар
 Садо берар узмасдан.
 Чўпон эса беғам, бефарқ
 Ибодатин бузмасди.
 Туриб боқса, дулдул айғир
 Шўнғиди кўл қатига.
 Калимасин айтиб бобо
 Қамчи босди отига.

Чол ҳангу манг, кампир эса
 Уни қистаб кўймади.
 Яна битта қулун олиш
 Чорасини ўйлади.
 Кампиршо ҳеч гапга кўнмас,
 Хаёлида шу ҳар дам.
 Тарадудга тушиб қолди
 Унинг қайсар чоли ҳам.
 Мол-дунёга ҳирс қўйганлар
 Режасидан қайтарми?
 Чол эгарлаб йўлга созлар
 Силаб-сийпаб байтални.

Кўл остига кириб кетди
 Икки дулдул бир бўлиб.
 Чол овулга қайтди ночор
 Ҳафсаласи пир бўлиб.

Чўпчаклар кўп, момолардан
 Бизга мерос қолгандир.
 Ақлдилар тинглаб мудом
 Ўрнак, ибрат олгандир...

САЙФУДДИН АЪЛАМНИНГ КИТОБЛАРИ

Ҳар гал Чорсу майдонидан ўтарканман, “Кўкалдош” мадрасасининг кўркам биносига кўзим тушиб, қувонаман. Не-ча асрлардан буён илм-ирфон, маърифат маскани бўлган бу даргоҳ не-не синоатларни, яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказмади. Шўролар замонида мадраса ёпиб қўйилди, қаровсиз ҳолда ётди. Ҳатто 1943 йилги зилзила пайтида қулаб тушган мезанасини таъмирлашга маблағ топилмади.

Аллоҳга беадад ҳамдлар бўлсинки, бугун мадраса яна ишляпти. Ёшларимиз бу билим ўчоғида Куръон ва ҳадис илмини, динимиз тарихини, шариат аҳкомларини кунт билан ўрганишляпти.

Ўн бешинчи асрда Наврўз Аҳмадхон Бароқхоннинг ўртанча ўғли Дарвешхоннинг доно вазири Кўкалдош қурдирган бу мадрасада жуда кўп таниқли мударрислар, етук олимлар талабаларга сабоқ беришган. Улар сафида раҳматли бобомиз Сайфуддин Аълам ҳам бўлганидан фахрланамиз.

Бобомиз 1855 йили Тошкентнинг Эшонгузар маҳалласида таваллуд топиб, шу ерда улғайганлар. Бошланғич таълимни “Кўкалдош” мадрасасида олганлар. 1877-1887 йилларда эса Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрганлар. Худди ўша кезлари Ислом дини арконларига бағишланган уч жилдли китоб тасниф қилган эканлар. Китоблари Бухорои шарифдаги етук уламолар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, у кишига “аълам” унвони берилади. У киши араб ва форс тилларини жуда яхши билар эдилар.

Сайфуддин Аълам 1887 йили Тошкентга қайтиб келиб, “Кўкалдош” мадрасасида мударрислик қила бошлайдилар. Бу орада уйланадилар ва оталаридан қолган Катта Қаъни қишлоғидаги боғда деҳқончилик қилиб, рўзғор тебратадилар. У киши ўта тақволи инсон бўлганлар. Бўш вақт топилди дегунча китоб мутолаа қилар ёки шогирдлари даврасида илм дарси ўтказар эдилар.

Бу зот шу тариқа қирқ йил мударрислик қила-



дилар. Қанча-қанча талабаларга Аллоҳнинг динини танитадилар, зуҳду тақволари, хушхулқлари билан ибрат бўладилар. Аммо мамлакатни советлар бошқара бошлаган машъум 30-йилларда минглаб мусулмон уламолари қатори у кишининг ҳаёти ҳам хавф остида қолади. Советлар ҳукумати олимни аввалига мадрасадан ҳайдайди, кейин бу билан кифояланмай, олис ўлкага сургун қилиш ҳаракатига тушади. Яхшики, холис ниятли кишилар бу ҳақда бобомни олдиндан огоҳлантириб қўйишади. Шунда Муҳиддин исмли ўғиллари билан маслаҳатлашиб, икковлон ҳаж сафарига отланишади. Бироқ Термизга етиб

боришганида амаким безгакка чалиниб, ётиб қоладилар. Ўша вақтда Тошкентда муаллимлик қилаётган отам бундан хабар топиб икковларини ҳам Тошкентга олиб келадилар.

Эсимни таниган пайтларимда саксондан ошиб қолган бобом Сайфуддин Аълам Эшонгузар маҳалласида истиқомат қилар эдилар. У кишининг хузурларига шаръий масалаларда маслаҳат сўраб, тез-тез маҳалладошлар келиб туришарди. 1938 йилнинг кўкламига келиб, бобом қаттиқ хасталаниб қолдилар. Қозиработдаги боғимизда бир оз яшаб турдилар. Аммо аҳволлари яхшиланмади, шунда Эшонгузардаги шаҳар ҳовлига кўчириб келдик. Бобом 83 ёшларида шу ерда вафот этдилар. Жанозаларига минглаб мусулмонлар тўпланишди. Хўжа Аълаббардор мақбарасининг ўнг томонига дафн этилдилар.

1939 йилнинг қаҳратон қиш кунларидан бирида Сирожиддин амакимнинг ҳовли эшиги олдида иккита кўқонарава келиб тўхтади. Қандайдир кишилар уйга келиб, бобомдан мерос қолган жилд-жилд нодир китобларни қопларга жойлаб, аравага орта бошлашди. У пайтда мен ёш бола эдим. Нималар бўлаётганига тушунмай, бир четда жимгина томоша қилиб турдим. Бобомнинг умр бўйи йиққан китобларини “борса-келмас”

жойга олиб кетишаётганини билганимда, устига ташланиб йиғламасмидим, дейман энди ўзимча.

Бобомнинг ёзган китоблари узоқ йиллар Муҳиддин амакимнинг уйларида, сандиқларда сақланди. 1957 йилга келиб амаким: “Энди бу китоблар кимга ҳам керак”, деган фикрда Тошкентдаги аллақайси институтга топшириб юбордилар. Бу ҳақда Муҳиддин амакимнинг ҳозирда саксон ёшли қизлари Муборахон опа гапириб бердилар.

Ёшим улғайиб, ана шу йўқолган китобларнинг қадрига етадиган бўлганимда бобомнинг қўлёзмаларини излашга тушдим. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтига бордим. Мақсадимни билгач, нодир қўлёзмалар сақланаётган хоналарга олиб киришди. Аммо араб, форс тилларини билмаганим учун ниятимга эришолмай қайтдим. Бухорои шарифга қилган сафарим ҳам самарасиз ниҳояланди. “Кўкалдош” мадрасасининг тарихи билан ҳам қизиқиб, муфассал маълумотлар тўплай олмадим.

Машойихлар, тарих омонатдир, дейишган. Йиллар елдай ўтиб, тарих ғилдираклари тўхтамай олға кетяпти. Унинг пўртаналарида қанча-қанча табаррук номлар, эътиборга лойиқ воқеа-ҳодисалар, сана ва маълумотлар изсиз йўқолиб бормоқда. Авлодлар эса тарихнинг давомчилари, аждодларнинг ворислари сифатида шундай азиз ном ва маълумотларни асраш, тиклаш, келажакка етказиш учун масъулдирлар. Бобом Сайфулдин Аъламни хотирлаб, ушбу битикларни ёзишдан муродим шу эди.

Садриддин
ФИЁСИДДИН ўғли



Солижон ИСМОИЛОВ

Яхши ибрат ўғил-қизга қолади

* * *

Ҳаётинг боғида мудом ёз бўлсин,
Синов-имтиҳонга сабринг саз бўлсин.
Илму маърифат деб тиним билма ҳеч,
Иқбол йўлларингда пойандоз бўлсин...

* * *

Дунё ташвишлари туганмас, чексиз,
Ёвга бас келолмас аскарлар бексиз.
Сабру қаноатсиз, илмсиз инсон
Қафасдаги тутқун қуш каби эрксиз.



* * *

Дейдилар излаган имкон топади,
Аллоҳни таниган иймон топади.
Ихлос билан илм излашдан қолма,
Илмли имконни ҳар он топади.

* * *

Қайғу берган Аллоҳ бахт ҳам беради,
Мартабаю обрў, тахт ҳам беради.
Синов-имтиҳонга бардош қилолсанг,
Сийлаб, неъматини нақд ҳам беради.



* * *

Баъзилар бойликнинг ҳовури билан
Ҳаволаниб кетар, гердаяр доим.
Лекин ўйлаб кўрмас ҳоли не кечар
Тонг-ла бўлиб қолса қиёмат қоим.

* * *

Бу дунёнинг бори сизга қолади,
Амал қилсак, ажри бизга қолади.
Файрат биздан бўлса дин хизматида
Яхши ибрат ўғил-қизга қолади.



* * *

Нафси амморадир ёвуз душманинг,
Не-не иллатларга сени бошлар у.
Ёвузлигу зино, зулм, жаҳолат —
Ҳою ҳавасларга чирмаб ташлар у.

Ҳўжайли

УММУ КУЛСУМ

(Бошланиши 18-бетда)

Ҳасан ва Ҳусан, розийаллоҳу анҳума, оталарига:

— Ҳа, тўғри айтяпсиз. Аллоҳ сизга марҳамат этсин, — дейишди.

Сўнг Ҳазрати Али қизларига дедилар:

— Эй қизим, Аллоҳ таоло сенинг ишингни менга қолдирди. Турмушга чиққан эдинг, тул қолдинг. Ишингни энди зиммамга олиб, сени узатмоқчиман...

Умму Кулсум:

— Отажон, мен бир ожиза аёлман. Мен ҳам бошқа аёллар каби орзу-ҳавас қиламан. Улар эришган мол-дунёга эришмоқни хоҳлайман. Мени ўз ҳолимга қўйсангиз, ишимни ўзим ўйлаб, бир қарор берай, — деди.

Ҳазрати Али гап нимада эканини тушундилар:

— Аллоҳга қасамки, сен айтгандек бўлмайди, эй қизим! Бу фикр сендан чиқмаган. Бундай гапни шу икки кишидан бошқа ҳеч ким айтмайди, — дедилар ўғилларини кўрсатиб. Сўнгра шартта ўринларидан туриб: — Валлоҳи, сен менинг айтганимни қилмагунингча, улар билан асло гаплашмайман, — дедилар.

Ҳасан ва Ҳусан оталари қаттиқ ғазаблангани учун этакларига ёпишиб:

— Отажон, ўтиринг, — деб ёлворишди. — Валлоҳи, сизнинг хафа бўлишингизга биз чидаёлмаймиз. Эй Умму Кулсум, сен ишни отамизга қолдир, — дейишди. Умму Кулсум ҳам:

— Майли, отам айтганидек бўлсин, — деди.

Бир оз олдин шиддатли бўрон бошланишидан хабар берган қора булутлар тарқаб, уйнинг ҳар тарафига яна хузур-ҳаловат қайтди.

Ҳазрати Али бева қизини биродарининг ўғли Авн ибн Жаъфарга никоҳладилар. Уларга тўрт минг дирҳам ҳадя бердилар.

Ҳазрати Алининг шаҳид бўлиши

Умму Кулсум Авн ибн Жаъфар билан бахтиёр яшай бошлади. Чунки Авн ибн Жаъфар отаси сингари юмшоқ табиатли ва нозик қалбли, ақлли киши эди. Умму Кулсум ҳам эрининг ҳақларини ҳурмат қилувчи вафодор завжа бўлди.

Бир куни Умму Кулсум отасига суиқасд уюштирилгани ҳақида совуқ хабар эшитди. Шошиб келганида, Ҳазрати Али вужудларига тарқалган заҳар таъсиридан беҳуш ётар эдилар. Қотил Абдурахмон ибн Мулжам тутилиб, қўллари боғланган ҳолда олиб келинди.

Умму Кулсум отасини чексиз даражада севар эди.

— Отажон, отажон! — дея нола қилди.

Сўнг Абдурахмон ибн Мулжамга:

— Эй Аллоҳнинг душмани, Аллоҳ сени расво қилади, — деди.

Ибн Мулжам:

— Сен ким учун йиғлаяпсан? Бекорга йиғлама, валлоҳи, мен бу қилични минг дирҳамга олдим. Минг дирҳамга заҳарладим. Шундай заҳарладимки, агар бу қилич бутун Миср халқига урилганида, ҳеч ким соғ қолмасди, — деди.

Ҳазрати Али, розийаллоҳу анҳу, заҳар таъсиридан вафот этди. Умму Кулсумнинг кўзёшлари селдек оқди. Бу воқеадан сўнг мусибатларнинг кети узилмай, кетма-кет кела бошлади. Бироқ Умму Кулсум бу аламларга жасорат ва матонат билан бардош берди.

Карбало тупроғида юз берган фожеадан сўнг у бутун Куфа халқига қарата шундай хитоб қилди:

— Аллоҳ таолога ҳамд ва Расулига салоту салом ила сўзимни бошлайман. Эй Куфа халқи! Эй ёрдам қиламиз деб ёрдам бермаганлар! Энди кўзёшлар тинмайди, фарёдлар узилмайди. Сиз қасамларингизни бузиб, алдов воситаси қилишингиз билан худди ўзи тўқиган нарсани пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб, бузиб-чуватиб ташлаган хотинга (*Наҳл, 92*) ўхшайсиз. Сиз роса гулдираб, ёмғир ёғдирмаган булутга ўхшайсиз. Ҳусайнни чақириб, душманларга топширишдан бошқа нима иш қилдингиз? Сиз ишга ярамайдиган тупроқ қабисиз. Қанчалик ёмон иш қилдингиз? Ҳа, йиғлаяпсиз! Валлоҳи, йиғланг, шу қадар кўп йиғлашга мажбурсиз... Кўп йиғланг, оз кулинг. Сиз нубувват муҳри, рисолат маънади, жаннатийлар саййиди ва сиз юрадиган йўлда зиё таратувчи Пайғамбарнинг наслини қатл этдингиз. Бу доғни кетказа олмайсиз! Энди нима қилинса ҳам фойдаси йўқ... **“Сиз шундай оғир гуноҳ қилдингизки, унинг оғирлигидан осмонлар ёрилиб, ер бўлиниб, тоғлар парчаланиб, кулаб кетишга яқин бўлур”** (*Марям, 89-90, мазмуни*). Аллоҳ Расулининг қайси жигарпорасини қатл этганингизни биласизми? Ёмонлиги еру кўкни қоплаган жуда чиркин бир иш қилдингиз. Энди самодан ёмғир ўрнига қон ёғдирилса, ҳайрон бўлманг. **“Охират азоби эса шак-шубҳасиз янада расворок — хор қилгувчироқдир ва уларга ёрдам берилмас”** (*Фуссилат, 16, мазмуни*). Бу азоб кул ичида қолган чўгга ўхшайди. Асло енгил деб ўйламанг. Аллоҳ таоло барчамизнинг қилаётган ишларимизни кўриб турувчидир.

Умму Кулсум шу гапларни айтгач, у ердан кетди ва умрининг охиригача Ҳаққа бўлган садоқатидан айрилмади. Аллоҳ таоло ундан рози бўлсин, омин.

“Исломининг қаҳрамон аёллари” китобидан
Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси

Қорахонийлар ҳукмронлиги (милодий 999 — 1212 йиллар) даврида Бухоро ва Самарқанд чинакам илмий-маданий марказга, исломий билимлар ўчоғига айланди. Бу даврда Ислом фикҳи илмлари кенг ривожланди. Фақиҳлар Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Зоҳир ар-ривоя” китоби даражасидаги мўътабар асарларга шарҳлар, фикҳ асосларига оид маҳсусларликлар ёзишди, фатволар тўпламлари тасниф этишди.

Бухоро қозиси Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳоким аш-Шаҳид ал-Марвазийнинг (вафоти 344/956) “Ал-Кофи” асари ҳам фикҳга оид эътиборли китоблардан бўлди. У ҳанафий мазҳаби талаблари асосида Ислом арконларини чуқур тадқиқ этгани билан қимматлидир. Бу китобга кўпгина фақиҳлар шарҳ ёзиш-

дан ҳисобланади. Ўша замонда талабалар орасида фикҳга оид тушунмовчиликлар келиб чиққани, мударрисларнинг шоғирдларини фикҳга алоқаси бўлмаган масалаларда чуқур кетмасликка чақиришмагани, фикҳий тушунчаларни ёритишда калом илми намояндалари фалсафий ибораларни кўп қўллашгани, улар фикҳий атамаларга фалсафий сўзларни аралаштириб юборишгани ушбу китобнинг ёзилишига сабаб ва туртки бўлган, дейилади асар муқаллимасида.

Муаллиф ҳар бир масалани баён этишда ишончли далиллар билан чегараланиб, ортиқча тафсилотлардан тийилишни афзал кўрган. Шунингдек, дўстлари саволларига берган жавобларини ҳам китобга киритган.

“Ал-Мабусут” асари 16 жилд, ҳар бир жилд икки-уч жуздан

МАЗҲАБИМИЗНИНГ ФИҚҲИЙ ҚОМУСИ

ган. Улар орасида шамсул-аъимма ас-Сарахсийнинг (вафоти ҳижрий 486 й., мелодий 1093-1094 й.) “Ал-Мабусут” асари алоҳида ўрин тутди.

Имом ас-Сарахсий Мовароуннахрнинг атоқли уламоларидан, бутун ҳаётини илмга бағишлаган олимдир. Барча даврларда бўлганидек, ўша пайтда ҳам юксак тақво ва катта заковат соҳиби бўлмиш уламоларга туҳмат уюштириб, бадном қилувчилар топилди. Туҳматчи-ҳасадгўйлар ҳайит куни Сарахсий устидан ҳукмдор Иброҳим Хонга шикоят қилиб, бўҳтон уюштиришади. Хон уни Бухородан Ўзганга сургун қилади. Сургунда бўлган йиллари ҳам маҳаллий талабалар ундан илм ўрганишади. Тарихий манбаларда келтирилишича, аллома ўзининг машҳур “Ал-Мабусут” асарини қамоқда бўлган йиллари шоғирдларига айтиб ёздирган экан.

“Ал-Мабусут” асари ҳанафий мазҳабида ўта муҳим манбалар-

иборат, жами олтмиш етти китобни ичига олади. Ҳар бир китоб бир неча бобларга бўлинган. Асар қатор мамлакатларда қайта-қайта чоп этилган.

Китоб жуда содда тилда, лўнда иборалар билан, тушунарли услубда ёзилгани учун фикҳ илмини энди ўрганишга киришган талабаларга жуда қулай. Имом Тарсусий Имом ас-Сарахсийнинг бу китоби ҳақида шундай дейди: “Ас-Сарахсийнинг “Ал-Мабусут” китобига хилоф амал қилинмайди, аксинча, унга таяниб ва асосланиб фатво чиқарилади”.

Хуллас, “Ал-Мабусут” ҳанафий мазҳаби олимларининг ўзига хос фикҳий қомуси бўлиб, мумтоз манба сифатида ҳанузгача қиммати ва аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Абдуллоҳ АБДУСАТТОРОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик
институтини ўқитувчиси

Эътиборга молик далиллар

Олмонияда ҳар куни ўртача икки йигит ёки қиз жонига қасд қилади.

Амалдорларнинг поражўрлиги даражаси бўйича Нигерия, Камерун, Русия аввалги уч ўринни эгаллаб турибди.

Суиқасдлар бўйича Шри Ланка, Венгрия ва Литва жаҳонда етакчи ўринда туради. Бу ерларда ҳар юз минг аҳолидан 47-50 нафари жонига қасд қилади.

Пекин (Хитой)да ҳар беш эрхотиндан бири ажрашиб кетяпти.

Русияда камида 1,5 милён киши гиёҳванд моддаларни мунтазам истеъмол қилади.

Ню Йоркда ҳар куни 40 мингга қалбаки доллар ушлаб олинади.

Амриқолик ўқувчилар мактабни тугатгунча телеэкран орқали 8000 та қотилликни кўрадилар.

Олмонияда 20 милён аҳоли чекади.

Мехико (Мексика)да икки милён уйсиз бола бор.

Амриқода бир йил мобайнида 30.000 қотиллик жинояти содир этилади. Бу ерда жиноятларнинг бор-йўғи 22 фоизи очилади.


Бангкок (Таиланд) аэропортида ҳар бир халқаро рейс мобайнида учтадан жомадон йўқолади.

Оврупа аёлларининг 42 фоизи фарзанд кўришни ортиқча юк ҳисоблайди.

Русияда йилига 3 милёндан зиёд аёл боласини олдириб ташлайди (аборт қилдиради).

Петербургда тоза зотли мушукнинг баҳоси 200 минг долларгача борапти.

Амриқо университетларида дарс берган математика олими, профессор Жефри Ланг Ислом динини қабул қилганидан сўнг ёзган “Фаришталар сўрагунига қадар” асарида илк бор ўқиган намози ҳақида шундай ёзади:



СЕНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН...

“Мусулмон бўлган куним жомеъ имоми менга намоз ўқиш қонун-қоидалари ёзилган бир китоб берди. Бироқ мусулмон талабалар мени эҳтиётлаб: “Шошилманг, секин-аста ўрганиб оласиз”, дейишди. Мен ҳам ўзимга-ўзим: “Намоз ўқиш шунчалик қийинми?” деб савол бердим. Ўша куниеъ беш вақт намоз ўқишга қарор қилдим. Ним қоронғи хонамда таҳорат ва намоз амалларини ўргандим, намозда ўқиладиган баъзи сура-ларнинг арабча ўқилиши билан бирга инглизча маъноларини ёллашга киришдим.

Хонада узоқ ўтирдим. Кеча ярим бўлган эди. Хуфтон намозини ўқиш ниятида ўрнимдан турдим. Шошилмай таҳорат олдим. Сўнг қибла деб билганим томонга юзландим. Чуқур нафас олиб, кўлимни кўтардим ва паст овозда “Аллоҳу акбар”, дедим. Эшик-деразалар яхшилаб ёпилгани учун ҳеч ким менинг шивирлашларимни эшитмаслигига ишончим комил эди. Аста-секин Фотиҳа сурасини, сўнг яна бир қисқа сурани ўқидим. Агар ўша онда бирон киши ўқиётганларимни эшитса, ҳеч нарса англамаслиги аниқ эди. Иккинчи такбирдан сўнг руку қилдим. Рукуда бир оз тарадудланиб қолдим. Чунки ҳаётимда ҳали ҳеч кимга эгилмаган эдим. Хонада ёлғизлигимни эслаб, кўнглим тинчланди. “Са-

миъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” дея қаддимни ростлаганимда юрагим жуда тез ураётганини сездим. Саждага кетиш арафасида турардим. Сажда қилиш учун кўл ва тиззаларимни ерга қўйган заҳотим қотиб қолдим. Вужудим ўзимга бўйсунмасди. Хожаси олдида бош эгган қул каби пешонамни саждага қўя олмасдим. Чунки бундай қилишни зиллат деб билардим. Бу ҳолатимни кўрса, яқинларим мени масхаралашларини ўйладим, қулоқларим остида дўстларимнинг қаҳқаҳалари эшитилаётгандек бўлди. “Сан-Франсискода араблар кўпайиб, шўрлик шу аҳволга тушиб қолди” деганга ўхшаш сўзларни ўйлаб, ночор бир ҳолатда турардим. Бир оз тарадудлангач, пароканда хаёлларни четга улоқтириб, бошимни саждага қўйдим, диққатимни чалғитувчи ўй-фикрларга ўрин бермай, иккинчи саждага бордим. Кейинги ракатларда ҳатти-ҳаракатларим енгиллашиб борарди. Ва ниҳоят ташаҳуддан сўнг салом бердим.

Ўтирган жойимда нафсим билан кечган жангни ўйладим. Ўзимни гўё катта бир жангоҳдан голиб чиққандек тасаввур қилдим. Сўнгра бошимни эгиб, ожиз, камтарин бир ҳолатда: “Аллоҳим, калтафаҳм ва такаббурлигим учун кечир, узоқ бир ердан келдим ва олдимда яна босиб ўтишим зарур бўлган узун

йўл турибди. Ўзинг мадаккор бўл,” дея дуо қилдим.

Шу пайт руҳимда авваллари асло ҳис этмаганим бир сокинликни сездим. Бу ҳиссиётни қалам билан ифода этиб бўлмайди. Қалб тубидан чиққан, айтиб-англатиш жуда қийин бўлган бир эпкини вужудимни эгаллади. Сесканиб кетдим. Кўз ўнгимда гўё чексиз раҳмат уммони мавж урарди. Ўзим билмаган ҳолда кўзларимдан ёшлар оқа бошлади. Кўзёшларим оққани сари ичимга сизиб кираётган раҳмат уммонига фарқ бўлаётгандек сезардим ўзимни. Гўё баланд бир тўсиқ очилиб, ичимдан ваҳм, ғам-қайғу сел каби оқиб кетар эди. Бу сатрларни ёзарканман, ўзимга-ўзим: “Аллоҳнинг раҳмат ва мағфирати фақат гуноҳларни афв этишигина эмас, айна дамда у шифо ва хазина ҳамдир”, деб айтмоқдаман.

Бошим эгик ҳолда узоқ ўтирдим. Бутун танамда ажиб бир тароват ҳукм сурарди. Шу дамда мен идрок қилган энг муҳим нарса Аллоҳга ва намозга нечоғлик муҳтож эканимни англашим бўлди. Ниҳоят ўрнимдан туришга чоғланарканман, дуога кўл очдим: “Аллоҳим, яна бир бор кўфрга қайтмоқчи бўлсам, ўша заҳотиёқ жонимни ол ва мени бу дунёдан қутқар. Хато ва камчиликсиз яшаш жуда қийинлигини биламан, аммо Сенинг борлигингни инкор этиб, Сенсиз ҳатто бир кун ҳам яшай олмайман...”

Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси

ЗАВҚ

Ҳар гал ўша дақиқаларни эсласам, юрагим орзиқиб кетади. Илк намозда топганим ҳаловат туйғуси дилимни тарк этмаган.

...Вужудим титраганча ўзим билмаган бир сири ҳолатда бутун аъзоларим Улуғ Зот қаршисида таслим бўлди. Қандайдир ҳаяжон, энтиқиш бўғзимга тикилди. Ниҳоят...

Ниҳоят мен илк намозни адо этдим. Руҳим осойиш топди, ажиб бир енгиллик сездим. Дунё ташвишларидан сиқилиб яшаган юрак, назаримда, илк бор ором топди. Мен энди ҳақ йўлга чиққанганимни англадим. Ибодатсиз кечган йилларда йўқотганларимни идрок эта бошладим. Нега илгарироқ бу ҳақиқатни ҳис этмадим? Бу йўлда бир илдам йўлчи бўлишим керак эди-ку...

Баъзан ҳайқиргим келарди: “Эй одамлар, сизларни куршаб турган мана шу ёруғ оламга ибрат кўзи билан боқинг. Шунда сиз ҳар бир заррада мўъжиза кўрасиз!»

Аллоҳ таоло Куръони каримда амр этади: “**Сабр ва намоз билан мадад сўранглар. Албатта, у (намоз ўқиш) оғир ишдир. Магар ўзларининг Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва, шубҳасиз, унинг ҳузурига қайтгувчи эканликларини биладиган шикастнафс зотларга (оғир эмасдир)**” (Бақара, 45—49, мазмуни).

Улуғ неъмат — сабр ва намоз ила яшаш бахтини ато этган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Парвардигорим намозни мен учун енгил ва сеvimли қилди.

Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ,

Китоб

Асл исмлари Луқмон ибн Анқо ибн Садун. Ривоятларга қараганда, узоқ умр кўрганлар. Ёшликлариди Миср кулларидан бўлганлар. Ўзлари қора танли эдилар.

Уламолар у кишининг шахсиятлари ҳақида, яъни, Пайғамбар бўлганми ёки солиҳ бир банди эдими, деган масаллада ҳар хил фикр билдиришган.

Ибн Аббос, розийаллоҳу анҳу: “Луқмон дурадгор хабаший кул бўлган”.

Қатода, розийаллоҳу анҳу: “Қисқа бўйли, япалоқ бурунли, Нуба (Судан) шахридан бўлган”.

Яҳё ибн Саид, розийаллоҳу анҳу: “Луқмон Миср кулларидан бўлган, лаблари дўрдоқ. Аллоҳ унга ҳикмат берган, пайғамбарлик бермаган”.

ЛУҚМОННИ ҲАКИМ

Мужоҳид, розийаллоҳу анҳу: “Луқмон солиҳ кул бўлган, пайғамбар бўлмаган”.

Аъмаш: “Лаблари йўғон, оёқ кийимга ёлчимаган қора кул эди”.

Мужоҳид: “Луқмон оёқ қадамлари кенг, лаблари йўғон, Бани Исроилнинг қозиси эди”.

Бошқа ривоятда: “Довуд, алайҳиссалом, замонларида Бани Исроилга қози бўлган”.

Абу Дардо, розийаллоҳу анҳу: “Зурриёт ҳам, мол-дунё ҳам, мансаб ва хислат ҳам тақдир қилинмаган. Узоқ сукутли, кенг фикрли, чуқур назарли эди. Кундузи ҳеч қачон ухламаган. Туфурганини ҳеч ким кўрмаган. Бурун қоққанини, бавл қилганини, ҳожатга чиққанини, қаҳ-қаҳ отиб кулганини ҳеч ким кўрмаган. Ҳеч бир сўзни ҳикматсиз гапирмаган. Уйланган, фарзанд кўрган, ҳаммаси гўдаклигида вафот этган, лекин ҳеч бирига кўзёш қилмаган”.

Абдуллоҳ ибн Ваҳб, розийаллоҳу анҳу: “Бир одам Луқмони Ҳаким олдиларига келди ва айтди:

— Сен Хасхос уруғининг кули Луқмон эмасмисан?

— Ҳа, — деб жавоб қилдилар Луқмон.

— Кўй боқармидинг?

— Ҳа.

— Қора кулмидинг?

— Қоралигимни кўриб турибсан, лекин сени нима қизиқтиряпти?

— Одамларнинг атрофини ўраб олиб, эшигинг олди-га тўпланиб, сўзингга кулоқ солишлари.

— Эй биродаримнинг ўғли, агар менинг айтаётганларимга кулоқ солсанг, ўзинг ҳам шундай бўласан”.

Мусулмон оламида Луқмони Ҳакимнинг ҳикматлари кенг тарқалган. Буларнинг машҳурлари китобларда жам қилинган. Улар-

дан баъзиларини келтирамиз:

1. “Ота фарзандини уришиши деҳқон ерига ўғит солиши кабидир”.

2. “Ёмон хулқ, қўпол сўз, сабрсизликдан сақланглар”.

3. “Агар дунёда бой бўлишни истасанг, одамлар кўлидаги нарсаларга тамаъ қилма”.

4. “Маъсият бўлмаган ишда дўстларингга мувофиқ бўл”.

5. “Учта нарса кимда жам бўлса, унинг имони комил бўлибди: ботилга рози бўлмаслик; ҳақиқатдан газаби чиқмаслик; қодир бўлса-да, ўзиники бўлмаган нарсага интилмаслик”.

7. “Агар бир одам билан дўстлашмоқчи бўлсанг, унга газаб қилиб кўр. Газабланмаса, у дўст, газабланса, уни ташла”.

8. “Кичик ишларни паст санама, эртага катта ишларга айланиши мумкин”.

9. “Гапирганимга надомат қилдим, сукут этганимга надомат қилмадим”.

10. “Оқил киши нарсаларни кўзи билан кўради, ҳақиқатни қалби билан билади”.

Раҳимберди РАҲМОНОВ

ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ СЎЗ

Одатда “ҳалол” ва “ҳаром” тушунчаларини фақат емакка нисбатан ишлатадиган бўлиб қолдик. Аслида, бу ҳукмлар СЎЗга нисбатан ҳам қўлланиши керак. Кимки айтган сўзига амал қилибдими, демак, у рост ва ҳалол сўзлабди.

Қадимда халқ воизларни улуг ахлоқ намунаси деб билган. Улар баланд жойга чиқиб, халққа ваъз айтиб, савол-жавоб тариқасида панд-насихатлар қилишган. Фанда эса инсон вужудидан чиқаётган сўз тингловчига нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам таъсир этиши исботланган. Энди ўзида бир дунё иллатлар бўлатуриб ваъзхонлик қилаётганларни бир тасаввур қилинг...

Бугун кўпларимизга ибрат бўлар, деган умидда бир ривоят келтирмоқчиман.

Бухоро шаҳрида Хожа Ҳофиз исмли машҳур олим, солиҳ бир инсон яшаб ўтган. Хожа Ҳофизнинг саховатли ва имони бутунлигини кўрган халқ унга воъиз-

лик қилишни таклиф этиб келади. Шунда Хожа бу ишга лойиқми ё лойиқ эмасми эканини аниқлаш учун ўзини тафтиш қила бошлайди, хотирасининг пучмоқларида бир шубҳали воқеа жонланади: болалик пайтларида у шаҳар чеккасида яшовчи бир мажусийнинг боғидан сўрамай бир анжир еб қўйган эди...

Шуни эслаб, Хожа Ҳофиз мажусийнинг ҳовлисига йўл олибди. Келиб, уни чақирибди.

Ғайридин қараса, эшигининг олдида нур юзли бир қария турганмиш. Ундан келув сабабини суриштирибди.

— Бу боғ кимнинг мулки? — деб сўрабди Хожа Ҳофиз.

— Меники, — деб жавоб қилибди мажусий.

— Аввал кимники эди?

— Отамнинг мулки эди.

Хожа Ҳофиз меванинг эгаси шу киши эканини билиб, келишининг сабабини тушунтирибди.

— Рози бўлсанг, шунинг ҳаққидан кечсанг.

— Йўқ, кечмайман, уни сотаман, — дебди ғайридин. — Битта анжирнинг баҳоси ўн дирҳам.

— Майли, тўлайман, — дебди Хожа. Шунда мажусий ўйлаб:

— Қани бир маслаҳатлашиб кўрайлик-чи, — дебди.

Уйига кириб, меҳмоннинг келиш сабабини аёлига айтибди.

— Энг тўғри ва ҳақ дин унинг дини экан. Билмасдан еб қўйган бир дона анжирининг гуноҳидан кўрқиб, унинг ҳаққини тўлаш учун келибди-я! — дебди ҳайратланиб. Ва бу ҳодисани яқинларига сўзлаб берибди. Улар таъсирланиб, Хожанинг дини ҳақ дин эканига иқдор бўлишибди.

Тонгда барча ғайридинлар масжиднинг олдида тўпланишиб, Хожани йўқлашибди.

Ичкаридан чиққан Хожа кўрсаки, кеча ўзи йўқлаб борган ҳақдор мажусий маҳалладошларини йиғиб турибди.

— Нима гап? — деб сўрабди Хожа Ҳофиз.

— Булар менинг яқинларим. Бизни динингизга қабул қилсангиз, еган меванингизнинг ҳаққидан кечаман, — дебди мажусий.

Шундай қилиб, Хожа Ҳофизнинг ҳалоллиги ва ростгўйлиги юзлаб ғайридинларнинг Ислом динини қабул қилишига сабаб бўлган экан.

Сурайё ЗОҲИР

Раҳматли Тўхтасин ака соддадил одам эди. Отамирза бува билан урушда бирга бўлишган. Собиқ жангчилар кўпинча бирга юришарди. Бири новча, кафтлари кетмондай катта, жуссадор, оёқлари ҳам шунга яраша — қирқ бешинчи этик кияди. Меҳри товланса, ипакдай ҳалим бўлиб қолади, қаҳри келгудай бўлса, қаршисида ҳар қандай ганим зир титрайди...

Иккинчиси чорпахил, алпкелбатли, саксондан ошиб “тишим” демаган, ҳасса нелигини билмаган. Бошбармоқсиз қўлида икки яшар новвос “юмшаб” қолади. Унча-мунча чала табибни ер чиздириб қўяди.

Хулласи, икки сержант бирга юриб, бирга туришарди. Қудагайлашиб кетишган. Созсой аҳли уларни “Ҳасан-Ҳусан боболар” дейишади.

Қайсидир йилнинг кузагида Тўхтасин ота: “Отамирзани чақириб кел, чой ичиб келаркансиз, дегин”, дея набирасини ошнаникига жўнатди. Аслида, Тўхтасин ота яқинда бир киши совға қилган беданани кўрсатиб бир мақтаниб қўйгиси бор эди.

— Қалай, оғайни, сайраши тобида эканми? — деб сўради, Тўхтасин ота.

БЕДАНАНИНГ ХОНИШИ

— Ҳа, албатта. Бироқ у сал бошқачароқ маънода хониш қиялпти-ку? Илгари ҳам куш тилини тушунмасдинг, шундай ўтиб кетаркансан-да, сержант?!

— Хўш, нима деяпти у?

— Кўрган куним бошингга тушсин, деб сайраяпти.

Ўша кунни отахон дўстининг “ҳазиллашувдим” деганига ҳам қарамай, тўрқовоқни олди-да, тутқун паррандани ўз қўли билан кузнинг мовий осмонига учуриб юборди. Озод куш кўздан йўқолгунча ортидан маънос қараб қолди.

Шу воқеани эслаб, ҳаёлимга бир нарса келди. Отанинг бу иши шунчаки соддалик эмас, балки ўзгалар ўрнига, тирик мавжудотлар ўрнига ўзини қўя билиш, бошқалар аҳволини тасаввур эта билишдек ноёб салоҳият эди. Ҳаммамизда шундай фазилат бўлсайди, жамиятимизда зиддиятлар, тушунмовчиликлар, ихтилофлар камаярмиди...

Мухтор СУЛТОНҚУЛОВ,
Чортоқ тумани

Хорун ЯХЁ

НИҚОБЛАНИШ САНЪАТИ

Аллоҳ таоло Ўзи яратган жамики махлуқотини яшаш муҳитига мос мукамал хусусиятлар билан таъминлаган. Ҳар бир тирик мавжудот туғилган пайтидан бошлаб ўзини ҳимоялаш ёки ризқ топиш учун ўша хусусиятларидан фойдаланади. Айримлари ҳатто худди ҳаёт саҳнасида рўл ўйнаётган ҳақиқий артистлар каби ниқобланишнинг мураккаб усуллари кўллаб, қиёфасини ўзгартиради.

Ўзи яшаётган гулнинг рангини танасида айнан акс эттирган ўргимчак, худди дарахнинг шохчаси каби ҳаракатсиз қотиб қолган илон, қанотларини қуриган япроқдан фарқлаб бўлмайдиган ҳашарот, сув остидаги “яшил тўн” ва ўтлар рангига кириб олган қурбақа...* Булар ниқобланишнинг гаройиб намуналаридан бир нечтаси, холос. Шуниси аниқки, ниқобланишнинг бу мураккаб тизими ана шу майда мавжудотларни ҳимоялаш учун махсус яратилган.

Айрим жонзотларнинг кўриниши ва шакли яшаш муҳитида ёки ўсимлик қатламида устун бўлган рангни юксак аниқликда такрорлайди. Масалан, сарғимтир ўт-ўлан орасига яшириниб олган йўлбарсни сезиш жуда мушкул. Ҳайвонлар шоҳи арслонлар ҳам ўзлари яшаётган чўл рангига мослашиб кетишган. Бу эса уларга қуриган ўт-ўлан ичида осон ниқобланиш ва қиёфаси ўзгарган ҳолда ўлжасига иложи борица яқин бориш имконини беради.

Қутб музликларида яшайдиган қушлар ниқобланишнинг жуда моҳир усталари ҳисобланади. Уларнинг пати қишда оппоқ, эрта баҳорда яшил, ёзда эса атрофдаги дов-дарахтлар рангини олади.

Энди ўйлаб кўринг. Қутб қушининг патларидаги табиат билан уйғун ранг-тус ўзгаришлари унинг хоҳиш-ихтиёри билан содир бўлдими? Наҳотки қуш онгли равишда ҳимояланишнинг ана шундай бой усуллари ишлаб чиқа олса?

Унга йилнинг қайси вақтларида қандай ҳолатда кўринишни ким белгилаб беради?

Қушнинг патларидаги ранг ва шакллари яратган мусаввир ким бўлди?

Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб битта: қутб қушини яратган ҳам ва унга бетакрор хусусиятларни ато этган ҳам Аллоҳ таолодир.

Ниқобланиш намуналарини фақат ўрмонларда ёки қор устида эмас, балки уммонларнинг тубида ҳам учратиш мумкин. Денгиз ниқобланувчилари орасида энг устаси фаранги саккизоёқлар ҳисобланади. Саккизоёқларнинг айрим турлари олдиндан ўз ранги ва қиёфасини денгиз тубидаги тасвир ва бўёқларга мослаб ўзгартириб олгач, денгиз тагида дам олишни ёқтиришади. Саккизоёқ тақлидни жуда яхши кўради. У денгиз тубидаги қумлоқ жойга сузиб келаркан, тақлид қилиш қобилиятини ишга солиб, сув ўтлари шаклига киради.

Ўргимчак, чигиртка, бешиктебратар каби турли ҳашаротлар ҳам ниқобланишда усталирлар. Бу ҳашаротлар ўйлашга қодир эмас, улар тирик қолиш учун баргга ўхшаш зарурлигини англаб етмайди. Буни билишганида ҳам ўз таналарини баргнинг жимжимадор шаклларига ўхшатиб олиш қўлларидан келмасди. Унда ҳашаротнинг қанотидаги бу бетакрор нақшларни ким ақл билан чизиб-лойиҳалаб қўйган?

Ана шу бенуқсон нақшлар, ранглар ва қиёфалар барча жонзотларни яратган Буюк Холиқ — Аллоҳ таолонинг борлигини исботлаб турибди.

Маълумки, Дарвиннинг тадрижий ривож-



*Мавзуга оид суратли лавҳалар муқованинг 3-бетида.



ланиш назарияси барча тирик мавжудотлар Ер юзида ўз-ўзидан, бир қатор тасодифлар натижасида пайдо бўлган, деб таъкидлайди. Аммо ўйлаб кўрайлик-чи, япроқнинг ҳашарот қанотидаги ғоят нозик тасвири тасодиф бўлиши мумкинми? Шу ҳолнинг ўзиёқ барча мавжудотлар тасодиф маҳсули эмас, балки Аллоҳ таоло томонидан яратилганининг исботидир.

Бу тирик мавжудотни шунчалик нуқсонсиз яратган ва шу йўл билан ўзининг мислсиз санъати ва мусаввирлигини бизга кўрсатиб қўйган. Зот — бутун оламларнинг Робби ва Холиқи Аллоҳ таолодир.

Капалаклар табиатда ниқобланишга оид мўъжизалар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Айрим капалакларнинг қанотида каттакон кўзнинг расми бор. Бу ясама кўзлар капалакларни ҳимоялашнинг энг ноёб усули ҳисобланади. Бирор хавф туғилганида у қанотларини баралла ёйиб юборади ва қандайдир кўрқинчли махлуққа ўхшаб қолади.

Бу тақлидга яна бир жонли мисол: дарахтга қўнган капалакни куш жуда осон тугтиб олади. Аммо бир зумда унинг қанотлари очилиб, куш рўпарасида пайдо бўлган бир жуфт каттакон кўз уни кўрқитиб юборади ва куш зудлик билан жуфтани ростлаб қолади.

Капалак қанотидаги кўз расмида энг майда икир-чикирларгача — кўз шакли, киприклар, бурун, қорачиқ ва қанотнинг товланиши ҳам ҳисобга олинганини кўрасиз.

Баъзи капалаклар қанотида эса улкан ҳайвоннинг бурни, қулоқлари, кўз остидаги қора жойлари, қорачиқлари сурати бор. Бундан ташқари, уларнинг қанотлари нурдан ялтираб туради.

Ниқобланишнинг яна бир жуда муҳим жиҳати бор. Ниначи ва қонхўр ҳашаротлар, капалаклар билан озикланадиган майда кушлар капалакларнинг асосий душманлари ҳисобланади. Майда кушларнинг асосий душмани эса, бойўғлидир. Мана шу энг ҳайратланарли ҳолат. Гап шундаки, капалак қаноти орқасидаги сурат айнан бойўғлининг тасвиридир.

Бошқача айтсак, қанотида душманларининг душмани суратини кўтариб юрган капалак ўзини шу сурат орқали ҳимоя қилади. Чунки барча майда кушлар ва ҳашаротларнинг ўзлари бойўғлидан кўрқишади.

Албатта, капалак бойўғлини “душманларининг душмани” деб билмайди. Билганида ҳам, қанотларига бойўғлининг тасвирини ўзи тушира олмас эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу жуда пухта ишланган суратдир. Бу сурат аниқ мақсад билан яратилган ва у ҳеч қачон тасодиф бўлмайди!

Капалак қанотидаги бу ғоятда ажойиб суратлар кимнинг қаламига мансуб? Наҳотки улар ўз-ўзидан, тасодиф натижасида пайдо бўлиб қолган бўлса? Ҳар бир шоҳона асарнинг ижодкори бор. Капалак қанотидаги бу ноёб тасвир бизга Аллоҳ таолонинг тенгсиз ижодий қудратини намойиш этади.

Зотан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

“Осмонлару ердаги барча нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтади. У хожа, у беуқсон, у ғолиб, у ҳикмат эгасидир” (Жумъа, 1, мазмуни).

Капалаклар ясама кўзлардан ташқари ниқобланишда бошқа ҳайрон қоларли имкониётларга ҳам эгадирлар. Ниқобланаётган капалаклар бошқа қандайдир жонзотнинг рангини кўргач, уни таҳлил қилади ва пухта ишлаб чиқилган тартибга кўра, шу заҳотиёқ ўша жонзотнинг рангини ишлаб чиқаради ҳамда танасига ёяди. Ана шу ҳолат ҳам уларни Аллоҳ яратганига рад этиб бўлмас исбот-далилдир.

Табиатни ўрганар эканмиз, ҳар гал бир далил билан тўқнашаверамиз. Тирик жонзотлар пухта лойиҳаланган уйғун тузилишга эга. Бу эса тадрижий ривожланиш назариясининг «тасодиф» ҳақидаги даъволарини пучга чиқаради. Ҳар бир мавжудот танаси унинг яратилганига очиқ бир исбот-далилдир.

Барча мавжудотларнинг Холиқи ва ижодкори, еру осмонлар орасидаги ҳамма нарсанинг эгаси — ягона Аллоҳ таолодир. Тафаккур эгалари учун Аллоҳ таоло яратган мавжудотлар ҳақида фикр юритиш, Унга ҳамду санолар айтиш, Уни улуғлаш кифоядир.

Зотан Қуръони каримда марҳамат этилганидек, **“Барча ҳамду сано осмонлар Парвардигори, ер Парвардигори, бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ учундир. Осмонлар ва ердаги барча буюклик ёлғиз Уникидир. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир”** (Жосия, 36—37, мазмуни).